O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 13 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 19 (7422)

Da'vat

Mukammal zakovat, agar ta'bir joiz bo'lsa, avvalgi barcha asrlardagi aqlni o'zida mujassam etadi.

Bernar FONTENEL

Ibrat

Navro'z bayrami arafasida Navoiy shahri markazida o'tgan yili tashkil etilgan istirohat bog'iga 100 ming tup daraxt ko'chati o'tqazildi. Bayram kunlari, 20 nafar kam ta'minlangan oilalar farzandlari sunnat to'ylarini o'tkazish rejalashtirilgan.

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Вашингтон. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислом Каримовни АҚШ харбий-ҳаво кучларига қарашли "Эндрюс" авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи - "Блэйр хаус" қароргоҳига жойлашди.

Бугун Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

(ЎзА).

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч - билим ва тафаккурда» деган бўлардим.

Ислом КАРИМОВ

Milliy istiqlol g'oyasi

«ПОРТЛАШ ЭФФЕКТИ»НИНГ ИЛК НИШОНАСИ

ҚАЕРДАКИ ФАН ЮКСАКДА, УНДА ЮКСАК ИНСОН ҲАМ

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Бугун дунёдаги энг ривожланган, тобора тараққий этиб бораётган қудратли ва фаровон давлатлар босиб ўтган йўлга, улар яшаётган жамият негизига назар ташлар эканмиз, шубҳасиз эришилган тараққиёт қиёфаси асосини илм - фан, заковат ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг айни билим ва тафаккурни мамлакатимиз тинчлиги, тараққиёти, фаровонлигини таъминловчи беқиёс куч деб билаётгани ва бу йўлдаги ислоҳотларнинг илк нишоналари юртимиз танлаган йўлнинг нечоғлик тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Хабарингиз бор, яқинда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари илк бор илмий конференциясини ўтказди. Бир қарашда бу конференция кимгадир ўқувчиларнинг изланишларига бағишланган бир анжумандай кўриниши мумкин, аммо теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, у биз учун ўта муҳим хулосалар берганлигини ҳис қиламиз.

Гоҳо юксак тараққиётни кўзлаб ислоҳотлар ўтказилаётган даврда бир қарашда унча кўзга ташланмай турган бир нуқта замирида ҳам жуда катта маъно ва хулосалар жам бўладики уни илғаш, билиш учун юксак мақсад йўлида босиб ўтган йилларга, ҳаракатлар моҳиятига назар ташлаш лозим бўлади. Таъбир жоиз бўлса у худди баҳор келаётганидан дарак бериб, қор бағрини ёриб чиққан бойчечак каби сизга жуда катта қувонч бахш этади. Негаки, бир қарашда бойчечак аслида оддий чечак, лекин айнан ана шу бойчечакка қараб биз юртга баҳор келаётганини англаймиз. Бу илмий конференция ана шундай нишоналар бериши билан ниҳоятда қадрли бўлди.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Эсланг, Юртбошимиз 1990 йилда, ҳали Ўзбекистон собиқ Иттифоқ чангалида турган пайтдаёқ, ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларнинг юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишига шароит туғдирмай туриб, республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқариш соҳаларини тубдан ўзгартириб бўлмаслигини таъкидлаб, ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш заруратини айтиб ўтган эдилар. 1992 йилда бу даъватни амалга ошириш учун Президент бошчилигида жиддий иш бошланди. «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!». Шундай қилиб, 1997 йилда Президентимиз томонидан бир неча йил давомида қилинган кучли меҳнат ва салоҳиятнинг меваси янглиғ Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унга мувофиқ Миллий дастур яратилиб амалга оширила бошланди.

Дастур билан яқиндан танишган, унинг мазмун-моҳияти, ундаги аниқ вазифалар қўлами, жамиятнинг барча бўғинлари билан таълим жараёнининг илмий асосдаги узвий боғлиқлиги ва ҳамкорлиги масалаларини теран идрок этган ҳар қайси инсон бу ҳужжатнинг нақадар катта салоҳият меваси, таъбир жоиз бўлса, бутун мамлакат, халқнинг ҳаёт-мамотини белгиловчи муҳим ҳаракат йўли эканлигини англаши табиий.

Ишлаб чиқариш, таълим ва фан алоқаларини узвий ривожлантириш ҳам миллий моделнинг муҳим шартларидан бири қилиб белгиланган эди. Шу маънода бўлиб ўтган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг биринчи илмий конферен-цияси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим ва фан соҳаларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш, бунинг аниқ механизмларининг ишга солинганлигини ва уларнинг амалдаги натижаларини кўрсатди. Буни мазкур анжуманда қатнашган 150 нафар ўқувчининг илмий тадқиқотларининг аниқ хулосалари ҳам кўрсатиб турибди.

Албатта, ҳар бир анжуманга ҳам илмийлик мақоми берилавермайди. Илм-фан ривожи, тараққиёти учун муҳим бўлган илмий натижа олинган тақдирдагина бу янгилик илмий конференцияга олиб чиқилади. Қарангки, ўтган беш йил давомида қилинган ҳаракатларнинг меваси ўлароқ, бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-ёшлари илмий конференцияга олиб чиқишга арзирли тадқиқотлар қилиш даражасига етди.

Мазкур илмий конференцияда ўқувчи-ёшларнинг илмий натижалари «Физика ва информатика», «Кимё», «Биология» шўъбаларида академиклар Ж. Мусаев, С. Рашидова, Ў. Расулов, Ш. Салихов, А. Абдукаримов, З. Салимов, Р. Мўминов, К. Муқимов каби таниқли олимлар, шунингдек, олий таълим муассасалари ректорлари, профессор-ўқитувчилар ва бошқа таълим муассасалари раҳбарлари, ёшлар иштирокида қизғин муҳокама қилинди.

ИЛМИЙ НАТИЖА ТАФАККУРДАН ДАРАК, ТАФАККУР ЭСА ТАНЛАНГАН ЙЎЛНИНГ ТЎҒРИЛИГИДАН...

Эҳтимол, кимгадир эндигина 14-16 ёшга кирган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг илмий анжуманига шундай нуфузли ҳайъат аъзоларининг ташриф буюриши эриш туюлар. Эҳтимол, кимдир буни илмий конференция нуфузини ошириш мақсадида қилинган бир ҳаракат деб баҳолар, аммо конференция дастурига назар ташлаган ҳар бир киши ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларининг «Экситон-поляритон люминесценциясида экситон сўниши билан боғлиқ эффектлар», «Ферромагнит гистерезисни ўрганиш ва магнитизмга оид намойишлар», «Гармоник тебранишларни компьютерда ўрганиш», «Экологик мувозанатнинг бузилиши ва табиатни муҳофаза қилиш» каби номларини кўрибоқ уларнинг, фаннинг ва фан асосида мамлакатимиз турли соҳаларининг ривожи учун муҳим илмий натижалар олишга ҳаракат қилганлигига амин бўлади.

(Давоми 2-бетда)

САРАЛАРНИ САРАЛАЁТГАН БЕЛЛАШУВЛАР

Фарзандларимизнинг баркамол вояга етишларида спортнинг ўрни алоҳида. Зеро, спорт инсонни жисмонан соғлом қилиши баробарида унинг маънан ҳам етук бўлишига хизмат қилади. Айни шу боис ҳам республикамизда ёшларимизни спортга ошно қилишга асосий диққат-эътибор қаратилмоқдаки, бу ёш спортчиларимизнинг жаҳон шоҳсупаларида эгаллаётган ўринларида яққол ўз аксини топмоқда. Бу борада айниқса, ёшларимизни оммавий спортга жалб қилишда ўзига хос узвийлик касб этган олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада", ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ва ўрта умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида ўтказиб келинаётган "Баркамол авлод" ҳамда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг аҳамияти катта.

Кеча пойтахтимизнинг "Жар" спорт мажмуасида ушбу узвийликнинг илк босқичи ҳисобланган "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг Тошкент шаҳар босқичига старт берилди. Мусобақаларнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамона маъно касб этди. Унда республика халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбоновлар сўзга чиқишиб, ёш спортчиларимизга ушбу мусобақаларда омад тилади.

Таъкидлаш жоизки, пойтахт туманлари мактабларида ўтказилган ушбу мусобақаларнинг дастлабки босқичида 1— 4 ҳамда 5—7-синф ўқувчиларидан жами 234 минг 94 нафар, 8—11-синфларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг эса 87 минг 568 нафари ўтказилган спортнинг 11 тури бўйича баҳсларда иштирок этишди. Саралаш беллашувларининг шу куни старт олган 4 босқичида эса эндиликда қуйи босқичларда ғолиб чиққан 1507 нафар ўқувчи (ҳар бир туманда 137 нафар) 1 апрелгача давом этадиган беллашувларда куч синашади. Ҳозирда спортнинг сузиш ва қиз болалар ўртасида ўтказиладиган қўл тўпи бўйича мусобақалар бошлаб юборилди.

Б.ЖОВЛИЕВ

ГАЗЕТАМИЗНИ ВАРАҚЛАГАНДА

- **"КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ" ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ НИЗОМИ** *3-бет*
- **ЭЛЧИ — "ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ"** *3-бет*
- **СИНОВ ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ ТАРТИБЛАРИ ВА ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА** *4-бет*
- **КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАЪЛИМДА** *5-бет*
- **СОҒИНТИРИБ ЯШАЙДИ НАВРЎЗ** *5-бет*
- **ЯПОНИЯДА БОЛА ТАРБИЯСИ** *6-бет*
- **ТЕРРОРИЗМ КАБИ ХАВФЛИ** *7-бет*
- **ПАҲЛАВОН МАҲМУД (Тарихий ҳикоя)** *8-бет*

AVTOMOBILLAR TOPSHIRILDI

Termizda «O'zDEUavto» va «SamKochavto» qo'shma korxonalarida ishlab chiqarilgan umumiy qiymati 350 ming AQSH dollariga teng 10 ta «Neksiya», «Damas» rusumli yengil avtomobil va «Otayo'l» rusumli 8 ta avtobus, avtofurgon xamda yuk mashinasini Afg'oniston vakillariga beraraz yordam sifatida topshirish marosimi bo'lib o'tdi.

ANJUMAN

A.Avloniy nomidagi XTXQTMOMIda mutaxassislar, maktabgacha tarbiya va umumta'lim muassasalari rahbarlari ishtirokida yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish masalalariga bag'ishlangan anjuman o'tkazildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

MISRDA «O'ZBEKISTON KUNI»

Qohiradagi nufuzli bilim maskanlaridan biri — Husni Muborak nomidagi xalq kutubxonasida o'tkazilgan, mamlakatimizga bag'ishlangan «O'zbekiston kuni» tadbirida Misr Tashqi ishlar vazirligi, ilmiy muassasalar, oliy o'quv yurtlari va jamoatchilik vakillari, shuningdek o'zbekistonlik san'atkorlar hamda talabalar ishtirok etdi.

O'QUV MARKAZI ISH BOSHLADI

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari institutida kompyuter o'quv markazi ish boshladi. Ushbu markaz talabalarga o'z bilimlarini mustahkamlash bilan birga mintaqadagi suv va qishloq xo'jaligi bilan bog'liq tadqiqotlarni ham o'tkazish imkonini beradi.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ДАРГОҲ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати дастлабки пайтда физика-математика фанларига йўналтирилган эди. Кейинчалик илм даргоҳида инглиз тили, химия ва биология, тарих, она тили ва адабиёт фанлари ҳам чуқур ўргатила бошланди.

Сўнгги йилларда ушбу даргоҳни тугаллаган ўқувчиларнинг 90 фоиздан ортиғи ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш тест синовларидан муваффақиятли ўтмоқдалар. Ҳар йили фанлар бўйича ўтказиладиган вилоят олимпиадасида иштирок этиб совриндор бўлмоқдалар. Шунингдек, мазкур ўқув юртининг битирувчиларидан 9 нафари хорижда таълим олиб қайтишди. 3 нафар ўқувчи математика фанидан 1999 йилда Руминияда бўлиб ўтган жаҳон олимпиадасига қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади, 2000 йилнинг июль ойида Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида математика фанидан ўтказилган 41-жаҳон олимпиадасида Зулфиддин Камолов, Умид Раҳмоновлар 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритдилар. 2000 йилда 1 нафар ўқувчи физика фанидан Индонезияда ўтказилган 1-Осиё халқаро олимпиадасига қатнашиб, фахрли ўринни эгаллашга муяссар бўлди. 2001 йил Америкада математика фанидан ўтказилган 42-халқаро олимпиадада Умид Раҳмонов кумуш медаль, Зулфиддин Камолов бронза медали совриндорлари бўлдилар.Булардан ташқари 2002 йилда вилоят босқич олимпиадаларида 20 дан ортиқ ўқувчи дипломлар олишга муяссар бўлган. Шу натижаларнинг ўзи бу илм даргоҳининг нафақат республикада, балки жаҳонда қанчалик тан олинишини кўрсатиб турибди. Бу илм масканига бошчилик қилаётган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурот Жумаев ва Темур Рўзиев, Шуҳрат Сулаймонов, Баҳриддин Собиров, Норбиби Аҳмедова, Манзура Рустамова каби фидойи ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоаси бу йил ҳам юксак зафарларга эришади, деб умид қилиб қоламиз.

Ш.АҲМАТОВ

4 QATOR MADH

Tarixchilarning shahodat berishlaricha, har bir davlatning ramzi hisoblanmish madhiya ilk marta Yaponiyada joriy etilgan. So'zlari IX asrda yozilgan ushbu gimn juda qisqa bo'lib, atigi to'rt qatorni tashkil etgan. Yaponiyani uzoq muddat bitta sulola boshqarib turganligi sababli bu madhiya ham uzoq amalda bo'lgan.

CHIROQLAR MUAMMOSI

Los-Anjelesda o'tgan xalqaro ilmiy anjumanda olimlar elektr chiroqlarining ekologiyaga ta'siri xususida ogohlantirdilar.

Avstriyalik olimlarning tadqiqotiga qaraganda, kichik bir nurli reklamaning o'ziyoq bir yilda 350 ming hasharotga qiron keltiradi.

Ma'lum bo'lishicha, kuchli yorituvchi ko'cha chiroqlari yonida o'sgan daraxtlar ham uzoq yashamas ekan.

O'qituvchi yon daftariga

ILK XARIDOR

1888 yilda Germaniyaning Mangeym shahrida Karl Bents tomonidan bunyod etilgan «Raynishe Gasmotorenfabrik» zavodi dunyoda birinchi avtomobil ishlab chiqaruvchi zavod bo'lgan, deya e'tirof etiladi. Ushbu zavodning birinchi xaridori sifatida esa, parijlik Emil Roje ismli kishi bo'lgan.

TUSHINGIZNI ESLAYSIZMI?

Mutaxassislar tajribalarining natijasiga ko'ra, tushni eslab qolish hammada har xil ekan. Aksariyat olimlar ko'rgan tushlarini unutib qo'yadilar. Bu boradagi aniqlik ijodkorlar, xususan, rassomlarga taalluqli bo'lib, rassomlar ko'rgan tushlarining 95 foizini yodda saqlab qolar ekanlar. Ma'lumotlarga qaraganda, ko'zi ojiz odamlar ham uyqusida tush ko'rishdan benasib emaslar.

Конференция дастурига назар ташлаган ҳар бир киши ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларининг натиларини кўрибоқ, уларнинг, фаннинг ва фан асосида мамлакатимиз турли соҳаларининг ривожи учун муҳим илмий натижалар олишга ҳаракат қилганлигига амин бўлади.

Бугун илк бор илмий натижалари билан 150 нафар ўқувчи ярқ этиб кўзга ташланди.

«ПОРТЛАШ ЭФФЕКТИ»НИНГ ИЛК НИШОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқувчиларнинг илмий изланишлари мавзуси ранг-баранг, шу боис ҳам ҳакамлик қилаётган академиклар муҳокамаларда улар билан нафақат устоз-шогирд, ҳамкасб сифатида ҳам қизғин мунозаралар қилдилар. ҳақиқатдан ҳам ўқувчилар танлаган мавзулар, уларнинг ўзига бўлган ишончи, дадиллиги, илмий мавзуни равон нутқ, замонавий кўргазмали воситалар, мультмедиялар ёрдамида эркин тақдим этиш даражасини кўриш ҳар қандай кишини тўлқинлантириб юборади. Кечаги ПТУ — билим юртлари ва бугунги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини хаёлан кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, мақоламиз бошида таъкидлаганимиз — бир қарашда илғаш қийинроқ бўлган нуқтани, у берадиган хулосани топгандай бўламиз.

Аниқ ўлчовлар фанида, хусусан геодезияда репер деган тушунча бор. Француз тилида репер аниқ мўлжал, белги, бошланиш нуқтаси деган маъноларни беради. Оддий қилиб айтсак, геодезияда репер туфайли мутахассис мўлжални тўғри олганлигига ишонч ҳосил қилади. Хўш, таълимдаги ислоҳотларга бу тушунчанинг қандай дахли бор? Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, аслида бир қарашда оддий бир анжуманга ўхшаб кўринган бу илмий конференция Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига нисбатан ана шундай репер сифатида намоён бўлди. Айнан шу анжуман таълимдаги ислоҳотлар йўлининг нақадар тўғри танланганлигини, мўлжални тўғри олганлигимизни кўрсатувчи репер бўлди. Таълимдаги ислоҳотларнинг айни ана шундай натижаларнинг бериши Миллий моделга қўйилган шартлардан бири эди. Демак, Президент Ислом Каримов томонидан яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилаётган айрим мутахассислар томонидан турли мулоҳазалар, гоҳо моделга зид таклифлар билдириб келинган эди. Лекин илмий асосланган модел шартлари ва талаблари шундай хусусиятга эгаки, уларни ўзгартирса, ёки уларга риоя қилинмаса мақсадли натижага эришиб бўлмайди. Президентимиз кўплаб илмий давраларда Миллий моделнинг

ана шундай ўзига хослигини таъкидлаб, унинг шартлари ва талабларини асосли исботлаб берар эканлар таълимдаги ислоҳотлар, албатта, маълум вақт ўтгач мамлакат истиқболи учун ўта зарур кутилган натижани, яъни «порт-лаш эффекти»ни беришини илмий башорат қилган эдилар: «Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти « деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман».

Айнан мазкур илмий конференция бизга «портлаш эффекти»нинг илк нишонасини кўрсатди.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ҳа, Юртбошимиз ақл-заковатли, юксак маданиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша олишимиз, шундагина юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топиши, мамлакат ривожи учун интеллектуал салоҳият нақадар муҳим ресурс эканлигини доимо таъкидлаб келадилар. Келинг, шу маънода айнан ана шу ресурс атамасини кенгроқ маънода тушунишга ва Юртбошимиз бу сўзни қандай маънода қўллаганига ва уни биз қандай тушуниб етишимиз кераклиги тўғрисида тўхталиб ўтайлик.

Мамлакатимиз 1991 йилда истиқлолга эришди. Биз сиёсий мустақилликни қўлга киритдик. Иқтисодий, қўйингки, барча соҳаларда бировга қарам бўлмасдан ўз кучимиз, салоҳиятимиз билан мустақилликни янада мустаҳкамлаш, у орқали тинч, фаровон, кучли, тараққий этган, бир сўз билан айтганда, келажаги буюк давлат қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун эса мамлакат, жамият ўзида мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Келинг, фикримизни ойдинлаштириш учун ресурсларни шартли равишда учга бўлган ҳолда кўриб чиқайлик. Фойдали қазилмалардан ташкил топган **тикланмайдиган** табиий ресурслар, ер, сув, ҳаво каби **тикланадиган** ресурслар, ва учинчиси, шулардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган **интеллектуал** ресурс. Демак, биз юқорида тилга олиб ўтган тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслардан тўғри ва омилкорлик билан фойдаланишимиз учун бизга биринчи навбатда интеллектуал ресурс лозим. Акс ҳолда интеллектуал ресурссиз биз тикланадиган ресурсни ҳам, нотўғри муносабат, исроф, бир сўз билан айтганда ундан фойдаланишни илмий тарзда ташкил қилолмаслик туфайли тикланмайдиган ресурсга айлантириб қўйишимиз мумкин. Фойдали қазилмалар, етиштирилган хом-ашёни юқори даражада қайта ишлаш, ҳар томонлама самарали фойдаланишни фақат интеллектуал ресурс кафолатлаши мумкин.

Бунинг исботи учун мисол қидиришнинг ҳожати йўқ. Бугун Япония, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа ривожланган давлатлар бир уюм табиий ресурсдан, интеллектуал ресурсга таяниб, баҳоси бир неча юз минг сўм турадиган чўнтак компьютери ёки интернетга уланадиган уяли телефон ишлаб чиқаряпти, иккинчи бир давлат эса интеллектуал ресурсдан фойдалана олмаганлиги, уни замонавий талаблар даражасида тайёрлай билмаслиги туфайли табиий бойликларини хом-ашё сифатида сотиб кун кўрмоқда. Хўш, айтингчи, бундай давлат қачон бой бўлади. Гарчи ундай давлатнинг табиий ресурслари кўп бўлса-да, бадавлат бўлолмайди, қолаверса, у нафақат халқи, балки келажак авлодларига ҳам тегишли бўлган табиий ресурсни ҳавога совуради. Бугунги дунё тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, фақат интеллектуал ресурснинг

юқорилиги билан бой ва фаровон жамият, кучли давлат барпо этиш мумкин.

Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий ва Мирзо Улуғбек каби дунё илм-фанининг тамал тошларини қўйган буюк аждодларнинг авлодларимиз дея фахрлансагу, аслида улар қолдирган илмий меросни улар даражасида ривожлантира олмасак, табиат ато этган бойликдан илмий асосда самарали фойдалана билмасак, ёҳуд тўрт фасл тинмай тер тўкиб фақат хом-ашё етиштирсак ва уни арзон-гаров сотсак, қачон бой бўламиз. Ахир, мустабид тузум даврида минг машаққат билан етиштирган пахтамизни собиқ марказдан сув текинга олиб, кейин уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали оз сарф харажат қилиб биздан бир неча ўн баробар кўп фойда олганлари ҳақиқат-ку! Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

«Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи - ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим».

Мустақиллик туфайли, халқимиз озод бўлди. Мамлакатимизни дунё тан олди. Бизга жаҳон эшиклари очилди. Халқаро майдонда бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришдик. Ўз-ўзидан равшанки, бу йўлда келажагимиз айнан ана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИНИНГ АКАДЕМИК БИЛАН ИЛМИЙ МУЛОҚОТИ

Бунинг учун нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялайдиган замонавий таълим муассасалари зарур эди. Ўтган давр мобайнида нафақат шаҳар, туман марказларида, балки энг чекка Томдидан тортиб, Сўхгача, Хонободдан тортиб, Мўйноқ-қача, деярли барча ҳудудларда моддий техника базасига эга бўлган замонавий янги таълим муассасалари қад рослади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида бунёд этилган замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кутилганидек қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг маърифат, маънавият, илм-фан, бир сўз билан айтганда, тараққиёт ўчоғларига айланаётганига биргина мана шу илмий конференция орқали гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бир пайтлар журналист ҳамкасбимизга муҳарририяттдан физика соҳасида муҳим кашфиёт яратган таниқли академик билан суҳбатлашиб мақола ёзиш топширилган экан. У ўша академикникига борганда олим унга шу соҳа бўйича ўнга яқин илмий китобларни бериб, «сиз янгилик моҳиятини ўзингиз тушуниб олсангизгина одамларга етказа оласиз» дея китобларни ўқиб чиқишини, шундан кейингина суҳбатлашишини айтган экан. Бугун ана шу ҳикояни эслар эканман, конференцияда ўзининг илмий тадқиқот ишини ёниб ҳимоя қилаётган етук ёшларимизни кўриб «мен учун улар нафақат шогирд, балки касбдош, мен улар билан шўъба йиғилишларида танлаган мавзу, тадқиқот долзарблиги ва аҳамияти, улар эришган илмий натижалар хусусида ўз ҳамкасбимдай мулоқотда бўлдим» деган таниқли академикнинг сўзларини эшитар эканман, беихтиёр Юртбошимизнинг бундан бир неча йиллар муқаддам онги, мустақил фикрлаш даражаси, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли ёшларни тарбиялаш борасида умид билан айтган қуйидаги сўзларини эсладим:

«Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг иқтисод, хоҳланг сиёсат, хоҳланг тарих, маънавият соҳаларида бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли ёшлар керак». Ҳа, яхши ният билан парвариш қилинган ниҳол бугун ўзининг мевасини бермоқда. Бугун фарзандларимиз манман деган олимлар иштирок этаётган анжуманда ўз салоҳиятини намоён қилмоқдалар.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бугун мазкур конференцияда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тури ўқувчиларининг илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ, илмий маърузларини тинглар эканмиз, айнан бундай ёшлар нафақат академик лицейлар, балки касб-ҳунар коллежларидан ҳам чиқаётганлигини кўриб, танланган йўлимиз тўғрилигига яна бир бор иймон келтирамиз.

Хўп, бугун касб-ҳунар коллежининг 15 ёшли бир ўқувчиси, дейлик ,«Навоийазот» ишлаб чиқариш корхонасидаги чиқинди маҳсулоти ацетилен қурумини тозалаш, қуритиш ва қайта ишлаш» борасида илмий тадқиқот ишини қилибди, маълум маънода илмий натижага ҳам эришибди, шунга нима бўлибди, дейишингиз мумкин. Келинг, аслида кимгадир чекка бир тумандаги касб-ҳунар коллежи ўқувчисининг кичик бир илмий изланишидай кўринган бу ҳолатдан нима учун қувонаётганимизни тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Ўқувчи маълум йўналишда илмий тадқиқот иши қилиши учун, аввало, унга раҳбарлик қилишга қодир юқори малакали, илмда маълум натижага эришган, бу йўналишда нафақат мамлакатдаги, балки хориждаги илмий натижалардан, янгиликлардан хабардор устоз бўлиши лозим. Қолаверса, таълим муассасасида етарли илмий адабиётлар, зарур моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, лаборатория ишлари учун етарли шарт-шароит, қўйингки, илмий муҳит яратилиши лозим эди. Бугун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасаларда ана шундай илмий муҳит шаклланмоқда. Эски таълим тизимида мавжуд бўлган ПТУ ёки техникумлар борасида бундай фикрни билдириш мумкинмиди? Албатта, йўқ.

Кўряпсизми, биргина ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил қилиш орқали мамлакатимизда ёшларимиз қай ҳолатдан қандай даражага кўтарилмоқдалар. Бу таълим муассасаларида биз юқорида тилга олган барча шароит мавжуд. Шу билан бирга ўқувчиларга олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари, юқори малакали мутахассислар дарс бермоқда.

Ўзингиз яхши биласиз, ҳар қандай муаммони фақат бир йўл — ақл, тафаккур билан ечиш мумкин. Агар ҳар бир соҳадаги муаммога биз илмий нуқтаи назардан қарайдиган, илмий асосда уни ўрганиб, ечим топадиган бўлсак, мамлакатимиздаги бугунги муаммолар бундан юз карра камроқ бўларди. Айтиб ўтдик, табиий ресурслари деярли йўқ айрим давлатлар бугун нима учун юксак даражада тараққий этиб кетди. Фақат ва фақат муаммоларга илмий ёндошгани ва унга илмий ечим топгани, айнан ана шу илм асосида юксак технологиялар яратгани учун. Хўш, бугун табиат ва жамиятдаги турли муаммоларни илмий тарзда ўрганиш, доимо кузатиш, муаммолар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун бундай илмий муассасалар ҳамма жойда мавжудми? Касбий йўналиш бўлмасин, соҳага янгилик, янгича муносабат олиб киради. У ҳеч қачон кўр-кўрона ёндошмайди. У бирор муаммога дуч келар экан, аввало, унинг ечилган, ечилмаган томонларини ўрганади. Маҳаллий тажриба, қолаверса, дунё тажрибаси билан танишиб чиқади, қиёслайди. Нима ечилган, нима ҳали ечилмаган, муаммога қайси тарафдан ёндошиш керак, қандай мақсадга эришиши лозим, у эришган натижа жамиятга қандай наф келтиради. У ҳар бир муаммога ана шундай ёндошади.

1991 йилларни эслайлик, мамлакатимиздаги мураккаб технологиялар билан жиҳозланган объектлар хусусида мустақиллигимизни кўролмайдиган,* аламзада, «Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти йўқ, у собиқ марказсиз, унинг малакали мутахассисларисиз яшай олмайди, мустақил яшаш қийин, барибир у мустақил яшашга қодир эмас» дегувчилар қанча бўлди. ЎзДЭУ илк бор ёш ўзбек йигитларимиз салоҳияти билан замонавий автомобиллар чиқарган пайтларда-чи, «малакасиз ўзбек мутахассислари чиқарган машиналар, сифатсиз, узоқ юролмайди, сочилиб кетади» дея эришган натижамизни, қўлга киритган ютуғимизни обрўсизлантиришга уринганлар қанча эди. «Ит ҳурар, карвон ўтар», уларнинг барчаси охир-оқибат ўзбеклар салоҳиятини тан олди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон автомобиллари бизга ана шундай назар билан қараган кучлар яшаётган мамлакатнинг бозорини эгаллади.

Албатта, бу ўз - ўзидан бўлгани йўқ, бу ерда ҳам айнан билим, малака ошириш, шунга мувофиқ ишлаб чиқаришни илмий тарзда ташкил этиш, масалага илмий ёндошиш орқали эришилди. Ёшларимиз онги-тафаккурида, илм орқали ўз-ўзига ишонч пайдо бўлди, Бугунги кунда энди бундай улкан корхоналар мамлакатимизда кўплаб мавжуд.

Конференция дастурининг ўзидан айни мана шундай ҳудудларида шаклланаётганлигини кўрсатмоқда. Агар бу таълим муассасаларидаги ўқувчилардан бири «Ҳаво атмосферасининг чанг ва айрим газсимон моддалар билан ифлосланиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари», бошқаси «Оқава сувларни тозалаш биотехнологияси», яна бири «Организмда юрак, қон ва нафас олиш системаларининг ёшга, жинсга ва жисмоний ҳолатга боғлиқ хусусиятлари» ёки «Пўлат таркибидаги тантал миқдорини гамма-флуоресцент таҳлил билан аниқлаш» каби мавзуларда илмий натижаларга эришиб турса, қолаверса, бу биринчи конференция табиий фанлар бўйича бўлиб ўтди, аммо бошқа фанлар, бошқа турли-туман соҳалар бўйича ҳам ўқувчиларимиз айнан мана шу касб-ҳунар коллежларида илмий тадқиқотлар олиб борса, мазкур ҳудудлардаги муаммоларга илмий ечим топса, ривожланиш йўлларини белгиласа, ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, қанчалик катта тараққиётга эришамиз. Биз ҳудудларнинг муаммоларини айнан мана шу ўқувчиларимизнинг истеъдодини тар-биялаб-ўстириш, уларни илм-фанга ошно қилиш орқали ечамиз.

Ҳар бир ишга, масала, муаммога илмий тарзда ёндошадиган бу йигит-қизлар эртага юртимиздаги барча соҳаларга кириб келар экан, улар ўз ишига илмий ёндошади, муаммоларни илмий асосда ечади, электротехника, қурилиш, саноат, фермер, маиший хизмат, солиқ, божхона, авиация, спорт, ҳунармандчилик, қўйингки, қайси илмий марказлар мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олаётганини сезиш мумкин. Иштирок этган ўқувчилар нафақат пойтахт ёки вилоят марказларидаги таълим муассасларидан, балки Кармана, Янгиобод, Хонқа, Ангрен, Пешку, Зарафшон каби шаҳар ва туманлардаги касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларидир.

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — БАХТЛИ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Бугун бу илмий конференцияда 150 нафар ўқувчи фақатгина информатика, физика, химия ва биология фанлари бўйича иштирок этди. ҳозирда ўрта махсус касб-ҳунар таълими негизидаги муассасаларда 260 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Кўриб турганингиздек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими орқали мамлакатимиздаги ҳар бир ўқувчининг илм-фан соҳасида ўзини топиши учун имконият бор. Айнан шу таълим тури Ўзбекистон истиқболи учун ўта зарур бўлган интеллектуал ресурсни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мамлакатимизда мажбурий-ихтиёрий таълим бўлиб, ундан мамлакатимиздаги ҳар бир ўқувчи ўтиши шарт қилиб белгиланган. Ихтиёрийлиги шундаки, ўқувчи бунда қизиқишига қараб соҳа ва йўналишини ўзи танлайди.

Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йиллар муқаддам Юртбошимиз мустақиллик нима, деган саволни ўртага ташлаб унга жавоб берар эканлар «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир», деган эдилар. Дарҳақиқат, мустақиллик - бу ҳуқуқ. Ўзбекистон Республи-

каси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун ёшларимиз буюк аждодларимизга муносиб равишда билим олиши, илмий салоҳиятларини намойиш этиши учун тўла ҳуқуқ берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш учун шарт-шароит яратди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, мустақиллик ана шу ҳуқуқдан фойдаланиб илғорликка, тараққиётга, у орқали фаровонликка эришишдир. Ўзбекистон буюк келажагини яратиши, эркин ва фаровон жамият барпо этиши, таълим тизими ҳақиқий интеллектуал ресурсга айланиши учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўла амалга оширилиши шарт.

Албатта, таълимдаги ислоҳотлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, бунинг учун жуда катта куч ва молиявий ресурслар сарф бўлмоқда. Бугун илк бор илмий натижалари билан 150 нафар ўқувчи ярқ этиб кўзга ташланди. Эътироф этиш керак, уч йиллик академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими мамлакатимиз педагог кадрлари учун бутунлай янги. Табиийки, бу таълим тури ўқув жараёнида ҳозирча айрим камчилик ва нуқсонлар бор. Улар йилдан-йилга тўпланаётган тажрибалар асосида бартараф қилиб борилади ва биз, албатта, кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Давр келади, унда таълим билан фан доимий равишда узвий боғланади, бундай ёшлар сони йилдан-йилга кўпаяверади ва жамиятда биз интиқиб кутган «портлаш эффекти» содир бўлади.

Ёдимда, бундан бир неча йиллар муқаддам Россия олий мактаб фанлари халқаро академияси президенти Валентин Щукшунов Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотлар тўғрисида шундай деган эди :

«Таълимга сарфланаётган маблағлар, уни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар бир кун келиб, албатта, ўз самарасини беради. Мен мутахассис сифатида бунга ишонаман. Бу ҳаракатлар, шубҳасиз, биринчи галда ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва бунинг натижасида мамлакатингиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради. Ҳар бир инсон жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топади. Яна муҳим жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, келажакда иқтисодиёт ҳам фақатгина таълим ёрдамида ривожланиши мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатяптики, ривожланган мамлакатлар иқтисодий муваффақиятларининг 60-70 фоизи билимли, юксак малакали инсонлар меҳнати, изланишлари ҳисобига тўғри келади. Шу билан бирга таълим — бу миллий хавфсизликни таъминловчи асосий шартлардан».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи — бу сифат босқичидир. Мазкур конференция айнан таълим жараёнида ана шу сифат ўзгаришлари юз бераётганлигини, биз кутган, биз истаган натижалар бўй кўрсатаётганлигини яна бир бор исботлади. Эндиликда физика, химия, информатика, биология соҳасининг етук мутахассислари бўлган таниқли академикларимиз Муҳаммад Жамиев, Анвар Ёрмуҳаммедов, Комила Юнусова, Мурод Эргашев, Зарифа Ўринова, Беҳзод Абдураҳмонов, Дилноза Ҳудойбердиева, Шоҳиста Асқарова, Умид Мирзоидов Ўмур Зоиров, Аъзамжон Асқаров каби юзлаб салоҳиятли шогирдларга эга бўлдилар.

Шу пайтгача умрини илм-фан ривожига бағишлаб ўтган таниқли олимлар билдириб кетган фикрларни ўқир эканмиз, илму заковат одамлар учун, халқлар, давлатлар, бутун инсоният учун нақадар муҳим неъмат эканлигини англаймиз. Улардан бири фаннинг иши дастёрлик, у фароғатга эришишнинг воситасидир деса, бошқаси фан холис хизмат қилганларга ажойиб истиқбол очади, уни жасоратга ундайди, у ватаннинг энг юксак қиёфаси бўлмоғи керак, дейди, яна бир аллома эса, фан халққа сув-ҳаводек зарур, уни тараққий эттирмаган мамлакат, шубҳасиз, мустамлакага айланади, дейди.

Ҳа, мамлакатимиз раҳбари баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори деганларида айнан ёшларимизни ҳар томонлама етук, ҳар бир соҳада уларни фанга ошино қилиб тарбиялашни назарда тутган эдилар. Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиб, таълимдаги ислоҳотларни давлат сиёсати даражасига кўтарар эканлар, бу билан бутун дунёга нафақат тараққиёт йўли, балки мустақил тараққиёт йўлини танлаганимизни ошкор этди. Шундай, таълимдаги ислоҳотлар биз учун ҳам ҳаёт, ҳам нажот, ҳам саодат масаласидир.

Олимлар ҳар бир янгиликда тараққиётга интилиш акс этади, дейдилар. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида шаклланаётган илмий марказлар юртимиздаги ўсиб келаётган ёш авлодни Ўзбекистон тараққиёти йўлида хизмат қилишдек олийжаноблик сари бошлайди.

Минҳожиддин МИРЗО

Япония элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 2001 йилдан буён республикамиз таълим муассасаларига беғараз иқтисодий ёрдам кўрсатиб келинаётган бўлиб, шу кунгача 35 та мактабга умумий қиймати 1 миллион 700 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилди.

Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши тасвирий воситалар, расмлар, плакатлар ва фотосуратларда ифодалаган ғолиблар — Республика Бадиий Академиясининг қимматбаҳо совринлари ва мақтов ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

"КОНСТИТУЦИЯМИЗ-БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ"

шиори остида ўтказиладиган Республика кўрик-танловининг

НИЗОМИ

Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинган кунининг 10 йиллигига бағишлаб "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси қўшма қарор қабул қилишди. Танловни ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларга Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини пухта ўргатишдан иборат. Қуйида мазкур кўрик-танловнинг Низоми берилмоқда.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари, муассаса ва ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилади.

Танловда ўқувчилар, ўқитувчилар, умумтаълим мактабларнинг ўқувчилари ва педагогик жамоалари иштирок этади.

II. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Кўрик танловнинг асосий мақсади — ўқувчи-ёшларнинг, ота-оналарнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларга мамлакатимиз Конституциясининг мазмун-моҳиятини пухта ўргатиш, Конституциямизнинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини ёзма ишларда энг яхши тасвирий воситалар орқали тасвирлаш, тарғибот-ташвиқот қилишдан иборатдир.

III. КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг билимдонлари 5,6,7-синф ўқувчилари ўртасида баёнлар, 8-11 синф ўқувчилари ўртасида иншолар танлови;

Конституциянинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи энг яхши тасвирий-тарғибот воситалари (расмлар, плакатлар, фотосуратлар, чизмалар ва ҳ.к) танлови;

Конституциянинг мазмун ва моҳиятини ўқувчилар онгига пухта сингдириш, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, мактабларни Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғоялари ва моҳиятини ёрқин ифода этган ҳолда безатиш, шу мавзуда ўтказилган энг таъсирчан тадбирларни ўтказиш бўйича танлов.

IV. ТАНЛОВ БОСҚИЧЛАРИ

Кўрик танлов тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич — март, апрель ойларида умумтаълим мактабларида.

Иккинчи босқич — май ойида туман (шаҳар)лар миқёсида.

Учинчи босқич — сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида.

Тўртинчи — Республика босқичи- декабрь ойида, Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинган кунининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Мазкур низомнинг 3-банди 3-бўлимида кўрсатилган шартларининг бажарилиши туманларда вилоятлар ҳакамлар ҳайъати, вилоятларда эса кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика ҳакамлар ҳайъати томонидан жойида ўрганилади.

Кўрик-танловнинг учинчи босқичи натижалари бўйича барча ҳужжатлар 2002 йилнинг 10 октябригача кўриб чиқиш учун кўрик-танлов бўйича Республика ҳакамлар ҳайъатига топширилади.

V. ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ВА ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Кўрик-танловнинг барча босқичларини ўтказиш бўйича алоҳида ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг таркиби тасдиқланади. Ташкилий қўмиталар кўрик-танловни ташкил этиш, унинг барча босқичларини низом талаблари асосида ўтказишни таъминлаш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш, ғолибларни муносиб тақдирлашда бошқарув идоралари ва ҳомийлар саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш, кўрик-танловни юқори ташкилий уюшқоқлик ва таъсирчан тарзда ўтиши устидан назорат юритади. Ташкилий қўмита раҳбарияти ва унинг аъзолари кўрик-танловни ўтказишда иштирок этаётган вазирликлар ва идораларнинг ходимлари ва танлов турлари (номинация) бўйича етук мутахассислардан иборат бўлади. Уларнинг сони 7 нафардан 13 нафаргача бўлиши мумкин. Ҳакамлар ҳайъати ва ташкилий қўмита қуйи босқичларда ўтказилаётган кўрик-танловларда танлов низомининг бузилмаслиги устидан назорат юритадилар ва уларга амалий ёрдам бериш учун жойларга ўз вакилларини юборадилар.

Кўрик-танловнинг барча босқичларида ғолибларни аниқлаш ва тақдирлашга тавсия этиш ҳакамлар ҳайъати томонидан амалга оширилади. Танловни холислик, ижтимоий адолат тамойиллари асосида ўтказилишини таъминлаш, юзага келган мунозарали вазиятларни ҳал қилиш мақсадида эксперт гуруҳлар таркиби тасдиқланади.

VI. ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Танлов ғолиблари ҳар тўрт номинация бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, тақдирланадилар.

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолибларига қуйидаги мукофотлар топширилади:

Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларга пухта билим бериш, тарғиб қилиш, безаш йўналишида энг юқори натижаларга эришган мактаб жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мукофоти — замонавий IBM русумли бир синф комплектидаги компьютер билан (12 млн. сўм);

Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши ёзма иш (6-7-синф ўқувчилари ижодий баён, 8-9-синф ўқувчилари ижодий иншо) орқали ифодалаган ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг қимматбаҳо совринлари ва мақтов ёрлиқлари билан;

Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши тасвирий воситалар, расмлар, плакатлар ва фотосуратларда ифодалаган ғолиблар — Республика Бадиий Академиясининг қимматбаҳо совринлари ва мақтов ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

ҚОЗИНИНГ ЎЗИ КИМ?!

"Маърифат" газетасида эълон қилинган "Концепцияни қайта ишлаш зарур" номли мақолада билдирилган "холисона" фикр ва мулоҳазалар хусусида

Хабарингиз бор, 2001 йил 26 декабрда мазкур газетада "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси" лойиҳаси муҳокама учун кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилиб, лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазалар бир ой муддат ичида билдирилиши сўралган эди. Белгиланган муддат давомида 67 та таълим ва тарбия муассасаларидан 100 дан ортиқ таклифлар тушди. Билдирилган бир қанча муҳим ва асосли таклиф-мулоҳазалар Концепцияни қайта ишлаш пайтида инобатга олинди.

Хусусан, Концепцияга қўшимча равишда "Олий ўқув юртидан кейинги таълим", "Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш", "Мактабдан ташқари таълим" турлари учун ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар киритилди. VII боб "Электрон ўқув адабиётларини яратиш босқичлари" деб аталди. IV бобдаги "кам ададли дарсликлар фақат электрон версия шаклида тайёрланиши мумкин" жумласи олиб ташланиб, унинг ўрнига "электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларни ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар учун яратилади" жумласи киритилди.

Энди бевосита биз юқорида тилга олган мақола ва унда билдирилган фикр ва мулоҳазаларга келсак, аввало, шуни айтиш керакки, Концепция муҳокамаси вақтида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФИТИ) негадир аввалига ўзлари ҳам таъкидлаган "республикамиз педагог-олимлари зиммасига ўқув фанлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратишдек ғоятда масъулиятли" вазифалар юклайдиган масалалар муҳокамасидан четда турдилар. Ваҳоланки, турли таълим муассасалари мутахассисларидан иборат ижодий гуруҳга ЎзПФИТИ вакиллари ҳам таклиф қилинган эди. Яна бир ажабланарли томони шундаки, таклиф ва мулоҳазалар учун кўрсатилган манзил ЎзПФИТИ биносидан бор-йўғи икки чақирим нарида жойлашганди. Назаримизда Концепция лойиҳаси бўйича таклифларни қабул қиладиган манзил бу муассаса учун узоқлик қилган кўринади. Кеч бўлса-да, бу муҳим иш уларга ҳам тааллуқли эканлигини англаб етган бўлсалар керак, ҳечдан кўра кеч ҳам яхши, дея "қимматли" фикрларини "Маърифат" газетаси орқали бир ярим ойдан сўнг билдиришни лозим деб билибдилар.

Келинг, мазкур мақолада билдирилган "холис" фикрларни биргалашиб кўриб чиқайлик. ЎзПФИТИнинг айрим "мутахассислари" таълим тизими, таълим турлари тушунчаларини чалкаштириб юборганлари етмагандай, оддий дарслик тушунчаси ўрнига "ўқув дарсликлари" иборасини қўллаганининг ўзи ҳам уларнинг Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаганини кўрсатиб турибди.

Энди бевосита мақолага мурожаат қилсак: "Олий ўқув юрти билан ўрта умумтаълим мактаби мақсад ва вазифаларида умумийликдан кўра кўпроқ тафовут мавжуд. Бинобарин, узлуксиз таълимнинг бу мустақил икки босқичига доир адабиётлар яратиш концепциясининг алоҳида-алоҳида тузилиши шарт бўлгани ҳолда улар учун ягона концепциянинг тавсия этилиши катта хато". Эҳтимол, улар бу билан ўзларини ўта доно фикр билдираяпмиз деб ҳисоблашгандир. Шу ўринда аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, айнан педагогика фани истиқболи таъминланадиган илмий муассасада ҳалигача "Кадрлар тайёрлаш миллий модели" мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган кишиларнинг ишлаб келаётганлиги ташвишли ҳолдир. Чунки миллий моделнинг асосини узлуксиз таълим тизими ташкил этишини, барча таълим турлари ўзаро узвий боғлиқ эканлигини, шу маънода умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим турлари учун яратилган давлат таълим стандартлари ҳам айнан ана шу узлуксизликни таъминлашга қаратилганлигини ҳозирда оддий мактаб ўқитувчиси ҳам билади. Шунга мувофиқ барча таълим турларининг узвийлигини назарда тутиб "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси"ни ишлаб чиқишни Миллий моделнинг ўзи тақозо этган.

Шу билан бирга ЎзПФИТИдаги айрим "мутафаккирлар" ўз хизмат доирасида билиши шарт бўлган тушунчаларни ҳам билмаслиги кишини таажжублантиради. Мақола ортидаги кўзга кўринмас муаллифлар "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасидан бохабар бўлганларида "Умумий ўрта таълим" турини зинҳор "Ўрта умум таълим" дея атамаган бўлардилар.

Мақола муаллифлари таълим турлари ва таълим муассасалари тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслиги оқибатида "Умумий ўрта таълим билан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар орасидаги узвийлик ҳақида ҳам алоҳида банд бўлиши зарур" дея, яна бир "қимматли" тавсия берадилар. Ҳолбуки, таълим турлари ўртасида узвийлик бўлиши мумкин, лекин таълим муассаси билан таълим тури ўртасида узвийлик бўлиши ғайритабиий ҳол.

Мақола муаллифлари фикрига кўра, умумий ўрта таълимда электрон дарсликларни яратиш масаласини қўйиш ҳали эрта эмиш, бу масалага кадрлар салоҳияти сифатида кескин ўзгариш амалга ошгандан кейингина мурожаат қилиш мумкин экан. Ҳолбуки, бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида электрон дарсликлар яратиш борасида маълум тажрибалар тўпланди. Бу соҳада ЎзПФИТИда маълумот ва тажрибалар йўқлиги республика учун хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Энди мақола муаллифларининг қуйидаги "қатъий хулоса"сига эътибор беринг: ***"Концепцияда ўқув адабиётининг ҳажмини кўрсатиш зарурдир, масалан, дарсликда, назарий материал 38 фоиз, амалий материал 40 фоиз, расм, схема, модел 21 фоизни ташкил этиши лозимлиги белгилаб берилиши керак эди".*** Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир таълим турида ўқитиладиган фанларни ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Концепцияда дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини яратиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш вазифалари қўйилган ва бундай тадқиқотлар натижасида ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда дарсликларнинг назарий ва амалий қисмлари аниқланади. Аммо мақола муаллифлари 38, 40 ва 21, жами негадир 99 фоизлик меъёр кўрсаткичларини барча дарсликлар учун тавсия этаётганлигининг ўзи ғалати, нима бу бирор "илмий-тадқиқот" натижасими?

ЎЗПФИТИ тайёрлаган мазкур мақолада ***"мантиқан тўғри эмас", "катта хато", "тўғри келмайди", "кечирилмас ҳол", "шошма-шошарлик билан чоп этилган", "матнда илмий хатолар бор"*** каби бир қатор танқидий эътирозлар қайд этилган.

Аслида ўзи тушуниб етмаган, асл моҳиятини англай олмаган муҳим масала хусусида газета орқали бутун мамлакатга "илмий салоҳиятини" намойиш этиш, оддий масалаларда илмий хатоларга йўл қўйиш ва шу билан бирга, ***"ўқув адабиётларига буюртма бериш, муҳокамадан ўтказиш, айниқса, уларга илмий баҳо бериш бўйича концепцияда ЎзПФИТИнинг ўрни аниқ белгиланиши лозим эди"*** кўринишидаги даъво билан чиқиш — мана бу кечирилмас ҳолдир!

Эркин ИМОМОВ,
профессор,
Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори,
Самухон АШИРБОЕВ,
профессор,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети проректори

ЭЛЧИ — «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

Ta'limda hamkorlik

Пойтахтимиздаги халқаро бизнес марказида Японияниинг Узбекистондаги элчихонаси томонидан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган кичик қўлмдаги беғараз иқтисодий ёрдам лойиҳаси асосида таъсис этилган навбатдаги имтиёзли шартномаларни имзолаш маросими булиб утди. Таъкидлаб утиш жоизки, элчихонанинг 225,108 АҚШ доллари қийматидаги ажратилган бу галги маблағнинг асосий қисми Андижон вилояти таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Маросимда Япония давлати томонидан кунчиқар мамлакатнинг Узбекистондаги элчиси маслаҳатчиси Имахаши Хироюки ва элчининг биринчи котиби Таданори Куманолар иштирок этишган булса, Ўзбекистон томонидан республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов, вазирликнинг ташқи алоқалар булими бошлиғи Баҳодир Шамсиев, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташқи ишлар департаменти бошлиғи Абдунўъмон Сиддиқов ҳамда вилоятдан ташриф буюрган вакиллар иштирок этишди.

Тантанани кириш сўзи билан Имахаши Хироюки жаноблари очар экан, Япония—Узбекистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг нақадар қўлами кенглиги, томири теранлиги борасида тўхталиб, бу дўстона муносабатлар таълим тизимини ривожлантиришда ҳам ўзига хос маъно-мазмун касб этаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўз ўрнида сўз олган Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ҳам Япония давлати ва элчихонасининг юртимиз таълим тизими равнақига қўшаётган ҳиссасини эътироф этаркан, соҳани ислоҳ қилишда, уни янада юқори чўққиларга кўтаришда мазкур давлатнинг бераётган кўмаги беқиёслигини қайд этди ва элчига миннатдорчилик билдирди.

— Таълим тараққиётига эътибор, — деди Р.Аҳлиддинов ўз сузи якунида — юрт равнақига пойдевордир. Зеро, ёшларимизнинг бугунги олаётган таълим-тарбияси эртага мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривож топишида асқотиши аниқ. Бу йўлда эса, айниқса, Японияниинг Узбекистондаги элчиси Кёко Накаяма хонимнинг хизматлари беқиёс.

Дарҳақиқат, таъкидлаш лозимки, Япония элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 2001 йилдан буён республикамиз таълим муассасаларига беғараз иқтисодий ёрдам кўрсатиб келинаётган бўлиб, шу кунгача 35 та мактабга умумий қиймати 1 миллион 700 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги маблаглар ажратилди. Ушбу маблаглар эвазига эса чекка ҳудудлардаги ночор таълим масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди ҳамда ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун шарт-шароитлар яратилди.

— Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида, — деди биз билан суҳбатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташқи ишлар департаменти бошлиғи Абдунўъмон Сиддиқов, — Япония элчихонаси томонидан 4 та шифо масканимизга 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги зарур тиббий асбоб-анжомлар етказиб берилди. Булар ҳозирда халқимиз саломатлигини сақлашда қўл келмоқда. Ўйлаймизки, давлатларимиз ўртасидаги бу каби дўстона алоқалар бундан кейин ҳам ривожланиб бораверади.

Шартномаларни имзолаш маросими якунлангач, пойтахтдаги Япония элчихонаси биносида яна бир тантанали маросим ўтказилди. Унда республикамиз таълим тизими ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Японияниинг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним республика Халқ таълими вазирлигининг "Узбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Anjuman

Яқинда Тошкент шаҳар Ҳамза туманига қарашли тарих фанига ихтисослашган 216-мактабда ЎзФА Тарих институти ва Тошкент шаҳар Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда, 1917-1918 йиллардаги миллий матбуотимиз фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ЎзФА Тарих институти илмий ходими А.Мингноров, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти илмий ходими Ғ.Бобоёров, РТМ ижтимоий фанлар бўлими бош методисти Ж.Тошпўлатова ва шаҳар мактаблари тарих фани ўқитувчилари иштирок этдилар.

Ёш авлодни ватанпарвар ва эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда фан ва таълимнинг уйғунлигига эришиш мақсадида бўлиб ўтган анжуман аввалида мазкур мактабнинг ўқитувчилари Х.Раҳматуллаева, М.Воҳидова 9-синф ўқувчиларига "Ўзбекистон тарихи", 11-синф ўқувчиларига "Инсон ва жамият" фанларидан "Жадидчилик миллий маърифий ислоҳотчилик ҳаракатининг бошланиши" ва "Тошкентлик темирчи ва уруш болалари" мавзуларида ноанъанавий дарс ўтдилар. Ҳар иккала дарсда ҳам асосий эътибор жадидчилик ҳаракати кучайган бир пайтда Туркистонда матбуот, театр, адабиёт, тарих фанларининг ўрнига қаратилди. Дарслар эркин, муаммоли, қизиқарли, содда, муаммоли, қўшимча материаллар ҳамда амалий хулосаларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Ўқувчиларнинг "Кичик академияси"даги баҳс-мунозаралар очиқ дарсларнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Унда мазкур мактабнинг 10-синф ўқувчиси Э.Халилов "Миллий матбуот тарихидан (1917-1918 йиллар)" мавзусидаги ўз илмий ишини ёқлади. ЎзФА Тарих институти илмий ходими А.Мингноровнинг "1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий жамиятлар фаолиятининг миллий матбуотда ёритилиши" мавзусидаги маърузаси эса миллий матбуотимиз мавзусини янада бойитди. Шундан сўнг ўқитувчилар иш тажрибалари ва ноанъанавий ўтилган дарслар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

Вазирлик белгилаган рўйхатга кирмаган, лекин чуқур ўрганилган фанлардан имтиҳон билетлари, тест топшириқлари умумий ўрта таълим муассасаларининг метод бирлашмалари томонидан тайёрланади ва уларни мактаб директори тасдиқлайди.

Битирувчига бериладиган ҳужжатларда ёзувларни ўчириш ёки ўчириб қайта ёзишга, бирор графанинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

СИНОВ ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Республика Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синф ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказишни ташкилий-услубий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш ҳамда "Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруқ имзоланди.

Мазкур буйруқда қайд этилганидек, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, катталар таълим марказларида ўқув машғулотлари 25 майда тугалланади.

"Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома" 1-иловага биноан тасдиқланади.

"Чақириққача ёшларни тайёрлаш" бўйича ўғил болалар учун ўқув-дала машғулотлари ўқув йили якунланиши олдидан 3 кун (18 соат) давомида шу ўқув фанига ажратилган дарс соатлари ҳисобидан мактабда ўтказилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчи 9-11 (XII)-синф ўқувчиларнинг билими ва кўникмалари оғзаки, ёзма имтиҳонлар тарзида якуний аттестациядан ўтказилади. Айрим фанларни чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва синфларда имтиҳонларни тест-синов тарзида компьютерлар ёрдамида ўтказилишига рухсат берилади.

Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини якуний аттестациядан ўтказиш:

— 9-синфларда 27 майдан 13 июнгача;

— 11 (XII) - синфларда 27 майдан 19 июнгача бўлган муддат ичида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар битирувчилари билими ва кўникмаларининг якуний аттестацияси қуйидаги фанлардан ўтказилади.

а) 9 – синф битирувчилари учун:

- она тили ва адабиёт	- ёзма (ижодий баён) - 27 май
- математика	- ёзма - 31 май
- Ўзбекистон тарихи	- оғзаки
- Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	- оғзаки
- ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	- оғзаки
- рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда)	- оғзаки
- жисмоний тарбия	- назарий ва амалий

б) 11 (XII)- синф битирувчилари учун:

- она тили ва адабиёт	- ёзма (иншо) - 3 июнь
- математика	- ёзма - 28 май
- физика	- оғзаки
- кимё	- оғзаки
- хорижий тиллар (инглиз, француз, немис)	- оғзаки
- ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	- оғзаки
- рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда)	- оғзаки
- жисмоний тарбия	- назарий ва амалий

Экстернат тартибда ўтказиладиган имтиҳонлар эса Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган "Экстернат тўғрисидаги Низом" асосида ўтказилади.

Буйруқда белгилаб қўйилганидек, умумий ўрта таълим мактабларининг 4, 9, 11-синф ўқувчилари жисмоний тарбиядан имтиҳон топширадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфларида ва битирувчи 9, 11-синфларида жисмоний тарбиядан имтиҳон 2002 йил 14 майдан 22 майга қадар ўтказилади.

Ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар ёки синфларда (5-11) бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳон киритилади.

Махсус фан бўйича имтиҳон материаллари (ёзма, оғзаки ёки тест) ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиб, метод бирлашма муҳокамасидан ўтказилгач, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими услубхонаси (методик кабинети) билан келишилган ҳолда директор томонидан тасдиқланади.

Кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, полиомиелит ва церебрал шол, нутқида нуқсони бўлган болалар махсус мактаб-интернатларининг битирувчи ўқувчилари учун имтиҳонлар умумий ўрта таълим мактабларидаги битириш имтиҳонлари билан бир муддатларда ўтказилади. Бундай мактабларда жисмоний тарбиядан имтиҳонлар ўтказилмайди.

Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан, кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва полиомиелит билан касалланган болалар мактаб-интернатларида умумий ўрта таълим мактаблари учун белгиланган фанлар бўйича имтиҳонлар ўтказилади.

Мазкур мактабларнинг битириш имтиҳонлари материаллари Республика Таълим маркази томонидан берилган тавсия асосида муассаса метод бирлашмасида ишлаб чиқилади ва директор томонидан тасдиқланади.

Ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида фақат меҳнат таълими бўйича битириш имтиҳонлари Республика Таълим маркази томонидан берилган тавсия ва мезонлар асосида ўтказилади. Имтиҳонларни ўтказиш муддати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

Ўқувчиларни қасаллиги туфайли тиббиёт комиссияси хулосаси асосида битириш имтиҳонларидан озод қилиш Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 22-23 майдаги 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган «Умумтаълим мактаби ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида» ги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг мазкур буйруғи билан тасдиқланган йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан бошқарма ва ташкилотлар зиммасига қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига:

Республика Таълим маркази томонидан тайёрланган имтиҳон материалларини, имтиҳонларни ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тартиб ва тавсияларни барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳамда таълим муассасаларига жорий йилнинг 1 майигача етказилиши ҳамда битирувчи синфлар ўқувчиларининг якуний аттестацияси натижалари, уларни ўтказиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, жорий йилнинг 25 июнига қадар вазирликнинг Умумий ўрта таълим Бош бошқармасига юборилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Марказий Осиё Республикалари ва Қозоғистон Республикаси ҳудудида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар битирувчи синфларини имтиҳон материаллари билан таъминлаш (шу республикаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ), қуйидаги вилоят халқ таълими бошқармаларига топширилади:

Андижон вилояти - Қирғизистон Республикасига
Тошкент вилояти - Қозоғистон Республикасига
Самарқанд вилояти - Тожикистон Республикасига
Хоразм вилояти - Туркманистон Республикасига

Республика Таълим марказига эса 2002 йилнинг 10 апрелига қадар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим мактаблари, шунингдек, таълим рус, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида олиб бориладиган мактаблар учун битириш имтиҳонлари материалларини тайёрлаб бериш;

кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларида она тили ва адабиёт (баён), ақли заиф болаларнинг мактаб ва мактаб интернатларида меҳнат таълимидан имтиҳон материалларини тайёрлаш бўйича тавсия ҳамда барча турдаги мактаб, мактаб-интернатларда имтиҳонларни ўтказиш юзасидан тартиб ва тавсияларни, барча синфларда амалий меҳнат машғулотларини ўтказиш бўйича тавсияларни тўплам шаклида ишлаб чиқиб, жойларга етказиш топширилди.

Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 1997 йил 28 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 1997-1998 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги 53-сонли буйруғи ва шу буйруқ билан тасдиқланган "Умумтаълим мактаб ўқувчиларини синфдан-синфга кўчириш тартиблари, якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома" ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади.

Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

I. Ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан-синфга кўчириш ТАРТИБИ

1.1. Билими, малакаси ва кўникмалари умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастурлари талабларига жавоб бера оладиган 1-8, 9-синф ўқувчилари синфдан-синфга кўчирилган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 9,11 (XII)-синф ўқувчилари эса мактабни битирган ҳисобланадилар.

Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва битириш масалалари мактаб педагогика кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

1.2. 1-синф ўқувчилари тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида ўқув муассасаси педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади. Бошқа ҳолларда 1-синф ўқувчилари синфда қолдирилмайдилар.

1.3. Умумий ўрта таълим фанларидан 1-8, 10-синф ўқувчиларининг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг чорак, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3-5 кун олдин чиқарилади.

1.4. 2-8 ва 10 (11)-синфлардан кейинги босқич синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик (оддий синфларда) ёки якуний баҳоларга (ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат ёки айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларда) эга бўлган ўқувчилар ўтказилади. Шу синфларнинг 1 ёки 2 фанидан ўзлаштира олмаган ўқувчилар ўқув йили тугагандан сўнг 2 ҳафта ўтгач ёки август ойида ёзма ёки оғзаки синовлардан ўтказилади ва педагогик кенгаш қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

Ўқувчи бу синовлардан ҳам ўта олмаган тақдирда уни такроран синфда қолдириш ҳақида мактаб педагогика кенгаши қарор қабул қилади.

Уч ва ундан ортиқ фанлардан билими қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

Изоҳ: а) Ўқувчиларнинг саломатлиги бўйича жисмоний тарбия (синфдан-синфга кўчириладиган синфларда ва битирувчи синфларда) машғулотларидан озод этилишлари уларни синфдан-синфга кўчириш ёки мактабни битиришларига таъсир кўрсатмайди.

б) (XI) – Катталар таълим марказидаги 11-синфни,

(XII)– эса 12-синфни англатади.

1.5. Айрим ўқувчиларнинг такроран синфда қолдирилганлиги ёки кейинги синфга кўчириш ва битириш масаласини маълум муддатга кечиктирилганлиги ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори 3 кундан кеч бўлмаган муддатда ўқувчига ва унинг ота-оналарига ёзма равишда маълум қилинади.

1.6. Ўқувчининг умумий ўрта таълим мактабида ўқишни давом эттиришига саломатлиги туфайли монелик кўрсатувчи камчиликлар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлса, педагогика кенгашининг қарорига асосан ва ота-онасининг розилиги билан унга махсус ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси берилади.

1.7. Барча фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштирган 9 ва 11 (XII)-синф ўқувчилари якуний аттестацияга қўйилади.

Имтиҳонлар бўлмайдиган 1-2 фан бўйича қониқарсиз йиллик баҳога эга бўлган 9, 11 (XII)-синф ўқувчиларини якуний аттестацияга қўйиш масаласини мактаб педагогика кенгаши ҳал этади. Имтиҳон бўладиган фанлардан қониқарсиз йиллик баҳоси бўлган ўқувчилар якуний аттестацияга қўйилмайди.

2. БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯСИ

2.1. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув дастурларини ўзлаштириш бўйича битирувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар шаклида амалга оширилади. 9, 11 (XII)-синф ўқувчиларини якуний аттестациядан ўтказиш жараёнида топширилиши мажбурий бўлган битириш имтиҳонлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

2.2. Битирувчи 9, 11 (XII)-синфлар учун якуний аттестация материаллари (иншо мавзулари, математика бўйича топшириқлар, оғзаки имтиҳон билетлари) Республика Таълим маркази томонидан барча мактаблар учун етарли миқдорда тайёрланади.

Вазирлик белгилаган рўйхатга кирмаган, лекин чуқур ўрганилган фанлардан имтиҳон билетлари, тест топшириқлари умумий ўрта таълим муассасаларининг метод бирлашмалари томонидан тайёрланади ва уларни мактаб директори тасдиқлайди.

2.3. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9, 11 (XII)-синфлари битирувчиларининг якуний аттестациясини шу ўқув муассасаси (педагогика) кенгаши томонидан тасдиқланган имтиҳон ҳайъати амалга оширади.

2.4. Фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча жавобгарлик мактаб имтиҳон ҳайъати раиси умумий ўрта таълим муассасасининг директори, у йўқ пайтларда унинг вазифасини бажарувчи шахс зиммасида бўлади. Имтиҳон олинаётган ҳар бир фандан мактаб директорининг буйруғи билан имтиҳон олувчи ҳайъат ва унинг раиси тайинланади. Имтиҳон ўтказиладиган синфга дарс берувчи педагог шу фандан имтиҳон ҳайъатининг раиси бўлиши мумкин эмас.

2.5. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаётган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган ўқувчилар) битирувчи ўқувчиларнинг якуний аттестацияси ҳақидаги масала Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилади. Агар ўқувчи ўқиган мамлакатида умумий ўрта таълимни тугатганлиги тўғрисида ҳужжат (аттестат, сертификат ва ҳ.к.) олган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида амалдаги қонунларга мувофиқ нострификация қилинади.

Агар ўқувчига чет мамлакатларда берилган ҳужжат Ўзбекистон Республикасида бериладиган гувоҳнома ёки шаҳодатнома (аттестат) ўрнини боса олмаса, яъни ўқувчи маълум бир фанлар йўналишида таълим олиб келган бўлса, у умумий тартибда имтиҳонларга киритилади. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча асосий фанлар бўйича синовдан ўтказилади. Ўқувчига якуний баҳони қўйишда унинг аввалги синфларда олган баҳолари ҳам инобатга олинади.

2.6. Бир ёки икки фандан ўтказилган имтиҳонлардан қониқарсиз баҳолар олган 9, 11 (XII)-синф ўқувчиларига охирги имтиҳондан кейин камида 2 ҳафта муддат ўтгач, қониқарсиз баҳо олган фанидан қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

Йиллик ва якуний баҳоларига кўра 3 ва ундан ортиқ фанлардан "қониқарсиз" баҳо олган 9-синф ўқувчилари қайта ўқиш учун синфда қолдирилади.

11 (XII) синфларнинг барча ўқув фанларидан йиллик ва якуний баҳолари ижобий бўлган ўқувчилар ўрта мактабни битирган ҳисобланадилар:

Битирувчи 11 (XII) синф ўқувчиси йиллик ва якуний баҳоларига кўра 3 ва ундан ортиқ фандан қониқарсиз баҳоланган бўлса, мактаб педагогик кенгашининг қарорига мувофиқ унга ўқиганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

2.7. Ўқиганлиги ҳақида маълумотнома олган битирувчилар 1 йилдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган "Экстернат тўғрисида йўриқнома" асосида битириш имтиҳонларида қониқарсиз баҳо олган фанлардан қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2.8. Меҳнат таълимига йўналтирилган таълим муассасаларида 11 (XII)-синф битирувчиларининг меҳнат (бошланғич касб) тайёргарлиги, танлаган ихтисоси бўйича имтиҳон топшириши билан якунланади.

Бу имтиҳонлар мактабларaро ўқув ишлаб чиқариш комбинати, катталар таълим маркази ҳамда таянч корхоналар маъмуриятлари ўзаро келишган муддатларда, умумий таълим фанлари бўйича битириш имтиҳонлари бошланишидан камида 2 ҳафта олдин ўтказилади. Касб ихтисоси бўйича имтиҳонлар таълим муассасалари корхона, ташкилот (база ташкилоти) ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларининг қўшма буйруғи билан тасдиқланган имтиҳон ҳайъати томонидан қабул қилинади.

3. ЁЗГИ ТОПШИРИҚЛАР ВА ТАКРОРИЙ ИМТИҲОНЛАР

3.1. Барча турдаги умумий ўрта таълим мактаблари томонидан синфдан-синфга кўчирилиши маълум муддатга кечиктирилган ўқувчиларга ўзлаштира олмаган фанидан ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида умумий таълим мактаблари метод бирлашмалари томонидан тузилади.

3.2. Ёзги топшириқларни олган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида якка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларнинг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инобатга олинади ва ўқувчилар бу машғулотларда бепул қатнашадилар.

Ўқувчиларнинг ота-оналари фарзандларига қўшимча машғулотлар ўтказиш мақсадида шартнома асосида ўқитувчиларни жалб этишлари мумкин.

3.3. Ёзги топшириқлар олган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган такрорий синовлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин эълон қилинади.

3.4. Такрорий битириш имтиҳонларини ўтказиш муддатлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

3.5. Такрорий топшириқларни муваффақиятли топширган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

4. ЎҚУВЧИЛАРНИ БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН ОЗОД ЭТИШ

4.1. Фанларни ижобий ўзлаштираётган ўқувчилар якуний аттестациялардан (битириш имтиҳонларидан) таянч маълумот бўйича туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, ўрта маълумот бўйича эса вилоят халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари асосида қуйидаги ҳолатларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан 1995 йил 22/23 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида"ги 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган ҳамда мазкур йўриқномага илова этилаётган касалликлар рўйхати ва йўриқномага асосланган ҳолда соғлиғи бўйича;

халқаро олимпиадаларда, спорт мусобақаларида ва ўқувчиларнинг мусиқа танловларида иштироки бевосита имтиҳон даврига тўғри келса, ўқувчи шу кунлардаги имтиҳонлардан;

иқтидорли болаларга мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари ва айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларнинг 5-8, 10-синфларида ўқувчиларни имтиҳондан озод этиш мактаб педагогика кенгаши қарори билан ҳал этилади. Уларнинг якуний баҳоси асосида чиқарилади.

4.2. Ўқувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиғи туфайли битирув имтиҳонларидан озод этилган тақдирда таълимни бошқарув муассасаси қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда буйруқ қабул қилади:

Ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий-назорат комиссияси (ВКК)нинг мактаб шифокори, қишлоқ жойларга эса туман Бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари;

мактаб педагогика кенгашининг қарори ва расмий хати, ўзлаштириш табели (ушбу кўрсатилган ҳужжатлар директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади).

4.3. 9-11 (XII)-синф ўқувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса (бу ҳолат март, апрель, май ойларида юзага келса) бундай ўқувчиларга битириш имтиҳонларини муддатидан илгари топширишларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган фанлардан имтиҳонлар, қолган асосий фанлардан синовлар ўтказилади. Имтиҳон ва синовларни ўтказиш муддати мактаб директори томонидан тасдиқланади ва улар мактабда тузилган мувaққат имтиҳон ҳайъати томонидан ўтказилади.

4.4. Якуний аттестациялар даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан ўқувчилар таълим муассасаси директори буйруғига кўра қолдирилган имтиҳонларни имтиҳонлар тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач топширадилар, 9-битирувчи синф ўқувчилари имтиҳонларининг бир қисмини такрорий имтиҳонлар даврида (август ойида) топширишлари ҳам мумкин.

5. БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Битирувчи синфларда имтиҳонларни ўтказиш муддати Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

5.2. Имтиҳонлар мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал ўқувчилар ва ўқитувчилар атрофлича танишиб олишлари учун имтиҳонлар бошланишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади.

Имтиҳонлар жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

Ўқув предметлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар оралиғи 2 кундан кам бўлмаслиги керак;

жисмоний тарбиядан аввал амалий сўнгра назарий имтиҳонлар ўтказилади.

5.3. Имтиҳонларда ўқувчилар билими, малакаси ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида белгиланади.

5.4. Умумий таълим мактабларининг 9-синфларида она тилидан баён ёзишга 3 астрономик соат, математикадан ёзма имтиҳонга 3 астрономик соат, XI (XII) синфларда иншо ва математикадан ёзма иш учун 4 астрономик соатдан ажратилади. Ихтисослашган фанлардан тест-синов топшириқлари берилиши кўзда тутилган бўлса, уларни бажаришга бериладиган вақт 2 астрономик соатдан ошмаслиги лозим.

5.5. Ёзма имтиҳонлар учун энг ёруғ ва кенг хоналар ажратилади. Ёзма имтиҳонлар вақтида IX, XI (XII) синф ўқувчилари парталарга (стол) биттадан ўтқазилади.

Битирувчи XI (XII) синфларнинг ёзма (иншо) имтиҳонларида ўқувчиларга имтиҳон ҳайъатининг розилиги билан ўз иншоларига киритиладиган парчаларни, айрим матнларни аниқлаб олишлари учун бадиий адабиётлардан фойдаланишларига рухсат этилади. Лекин мавзу мазмунини талқин этувчи манбалардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бошқа фанлардан ўтказиладиган имтиҳонлар пайтида ўқувчилар харита, глобус, турли жадваллар, чизмалар, муляж, гербарийлар, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа воситалардан фойдаланишларига рухсат берилади.

Ўқувчиларга ёзма имтиҳонлар ва оғзаки жавобларни тайёрлашлари учун мактаб тамғаси туширилган алоҳида варақлар берилади.

5.6. Ўқувчи ўз ишининг хомаки нусхасини ҳам ёзма иш билан бирга имтиҳон ҳайъатига топширади. Белгиланган вақтда ёзма ишни тугаллай олмаган ўқувчилар уни тугалланмаган ҳолда топширадилар.

5.7. Ёзма ишларни бажариш чоғида ўқувчилар эҳтиёж туфайли 5-10 дақиқага синфдан ташқарига чиқишлари мумкин. Бундай ҳолларда ўқувчи ёзма ишларини имтиҳон ҳайъати аъзоларига топшириб кетади. Ҳайъат аъзолари эса ёзма ишга ўқувчининг қанча муддат синфдан ташқарида бўлганлигини белгилаб қўядилар.

5.8. Имтиҳон тугаганидан сўнг ёзма ишлар имтиҳон ҳайъати раиси томонидан шифрланади ва имтиҳон ҳайъати уни мактабдан чиқмаган ҳолда текширади. Текшириб улгурилмаган ёзма ишлар сақлаш учун мактаб директорига топширилади. Иншолар, баёнларда йўл қўйилган хатолар сони амалдаги тартибда алоҳида қайд этилади. Ўқувчиларнинг "2" ва "5" билан баҳоланган иншолари, баёнлари, математика бўйича ёзма ишларига имтиҳон ҳайъати томонидан қисқача тақриз ёзилади.

5.9. Ўрта мактабни "Аъло даражали шаҳодатнома" билан битиришга даъвогарлик қилаётган ўқувчиларнинг ёзма ишларини имтиҳон ҳайъати аъзолари имтиҳон якунланган кун давомида текшириб, баҳолайди.

5.10. Барча турдаги умумтаълим мактабларида имтиҳонлар эрталаб соат 8.00 дан бошланади. Мактабда битирувчи синфлар сони кўп бўлган тақдирда оғзаки имтиҳонларни икки босқичда (смена) ўтказишга рухсат берилади.

5.11. Она тили ва адабиётдан ўтказиладиган баён ва иншо мавзулари ҳамда математикадан топшириқларни танлаш, имтиҳон бошланишидан олдин, барчанинг иштирокида топшириқ рақами солинган конвертни танлаб олиш йўли билан амалга оширади. Иншолар, баёнлар мавзуси ва математикадан топшириқлар синф доскасига аниқ, тушунарли ҳолда ёзиб қўйилади.

5.12. Оғзаки имтиҳонларни топширишда ўқувчиларнинг сони 20 нафардан ортиқ бўлса, имтиҳонлар 2 гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин.

5.13. Оғзаки имтиҳонларда олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун ўқувчиларга 15-20 дақиқа вақт берилади.

Имтиҳон ҳайъати аъзолари, имтиҳон топширувчи ўқувчининг билет бўйича жавобларини диққат билан, бўлмасдан тинглайдилар. Ўқувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар бериш мумкин. Агар ўқувчи билет саволига жавоб бера олмаса, имтиҳон ҳайъати томонидан унга иккинчи марта билет олишга рухсат берилади. Иккинчи марта билет олган ўқувчига қандай баҳо қўйишни унинг берган жавобига кўра ҳайъат аъзолари ҳал этади. Ўқувчига учинчи марта билет олишга рухсат берилмайди ва унга имтиҳон баҳоси сифатида "қониқарсиз" баҳо қўйилади.

5.14. Имтиҳон топширувчи ўқувчи оғзаки ёки ёзма имтиҳонларни топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузгани тақдирда у имтиҳонларни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин, имтиҳон ҳайъати томонидан бу ҳақда имтиҳон баённомасига ёзиб қўйилади.

5.15. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма имтиҳонлар ўтказилгач, имтиҳон ҳайъати барча ўқувчиларга имтиҳон ва йиллик баҳолари асосида якуний баҳоларни қўядилар ва уларни имтиҳон баённомасига киритадилар. Имтиҳон баённомаси шу фан бўйича имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан имзоланади.

5.16. Ўқувчилар билимини ёзма ёки оғзаки имтиҳон бўйича баҳолаш жараёнида имтиҳон ҳайъати аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда бу масала ҳайъат аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади. Бундай ҳолларда имтиҳон ҳайъати аъзоларининг алоҳида фикрлари имтиҳон баённомасига киритилади.

5.17. Ўқувчиларга якуний баҳо қўйишда қуйидагиларга амал қилинади:

якуний баҳо ўқувчининг йиллик ва имтиҳонда олган баҳоларига асосан белгиланади. Бунда: агар ўқувчи йил давомида "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқиган бўлиб, имтиҳонда ундан паст натижа кўрсатса ёки аксинча бўлса, бундай ҳолатларда қандай якуний баҳо қўйишни шу синфдаги фан ўқитувчисининг фикрини инобатга олган ҳолда имтиҳон ҳайъати ҳал этади. Бироқ имтиҳонда "қониқарсиз" баҳо олган ўқувчига "қониқарли" якуний баҳо қўйилмайди.

IX, XI (XII) синфларда ёзилган баён ва иншо учун иккита баҳо қўйилади:

биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун;

иккинчиси (маҳражида) она тилидан саводхонлиги учун. Бу баҳолар адабиёт ва она тили фанларига имтиҳон баҳоси сифатида қўйилади ҳамда шу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

Ўқув машғулотлари олиб бориладиган тиббий муассасаларда даволанаётган битирувчи синф ўқувчиларига баҳо қўйишда шифохона қошида ташкил этилган умумий таълим муассасаси томонидан қўйилган баҳолар инобатга олинади.

5.18. Ўқувчиларнинг оғзаки имтиҳонларда олган баҳолари шу синфда имтиҳонлар якунланиши биланоқ уларга маълум қилинади. Ёзма ишларнинг баҳолари эса шу фан бўйича оғзаки имтиҳонлар ўтказилгунга қадар эълон қилинади.

Имтиҳонларда ўзига қўйилган баҳолардан норози бўлган битирувчи синф ўқувчилари имтиҳон баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган холис эксперт комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

6. ТАЯНЧ ВА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТОПШИРИШ

6.1. Мактаб педагогика кенгашлари қарорига асосан, мактабни тугатган ўқувчиларга таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома, ўрта мактабни тугатганларга ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома берилади. Ўқувчилар таянч ва ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома ва шаҳодатномаларни қайси мактабда ўқиган бўлсалар ўш мактабдан оладилар. Агар битирувчи синф ўқувчиси ўқув машғулотлари ташкил қилинган даволаниш муассасалари (шифохона, санаториялар)да даволанаётган бўлса, шу муассасада қўйилган имтиҳон баҳоларига асосланган ҳолда гувоҳнома ёки шаҳодатномани доимий ўқиган мактабидан олади.

6.2. Таянч маълумот ҳақидаги гувоҳномага ўқувчининг VIII- IX синфлар ўқув режаларида кўрсатилган барча фанлар бўйича ҳамда хулқи учун баҳолар қўйилади.

Ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага ўқувчининг хулқи ва X-XI (XII) синфларнинг ўқув режасига киритилган барча фанлардан ўзлаштириши бўйича олган табелдаги якуний баҳолари қўйилади.

6.3. Ҳар бир фан бўйича баҳо гувоҳнома ва шаҳодатномаларга (ўзлаштириш бўйича якуний баҳолар табелига) рақам билан ҳамда қавс ичида сўз билан "5" (аъло), "4" (яхши), "3" (қониқарли), синов (зачёт) тизими системаси қабул қилинган айрим фанлар бўйича эса "синовдан ўтди" ёки "синовдан ўтмади" деб тўлдирилади. Ўқувчининг хулқи "намунали", "яхши", "қониқарли" деб белгиланади.

6.4. Ўқувчилар ўзларига тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра айрим фанлардан баҳоланмаган бўлсалар, таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома ҳамда ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатноманинг фанлар бўлимига "ўрганилмаган", соғлиғи туфайли жисмоний тарбия, меҳнат таълими машғулотларидан озод қилинган ўқувчиларнинг таянч ва ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатларига "озод этилган" деб ёзиб қўйилади.

6.5. Факультатив курсларни ўрганган битирувчи синф ўқувчиларининг гувоҳнома ва шаҳодатномаларига факультатив курсни ўқиганлиги ёзилиб, баҳоси қўйилади.

6.6. Агар ўқувчи барча имтиҳонлардан озод этилган бўлса, унга табель асосида йиллик баҳолари қўйилган гувоҳнома ва шаҳодатномалар берилади.

6.7. Ўғил болалар учун чақириққача ёшларни тайёрлаш таълими бўйича шаҳодатномага қўйиладиган якуний баҳолар X-XI (XII) синфдаги йиллик ҳамда назорат машғулотлардан олган баҳолар асосида қўйилади.

Фуқаро мудофааси ва тиббий-санитария билим асослари курси бўйича қиз болаларга кундалик баҳолар асосида йиллик баҳо қўйилади, лекин шаҳодатномаларга баҳо қўйилмайди.

6.8. Маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтиҳонларни`ижобий топширган битирувчи XI(XII) синф ўқувчиларининг шаҳодатномаларига эгаллаган касби (разряд, класс, тоифа) ёзиб қўйилади.

6.9. Катталар таълим марказларида маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтиҳонларни ижобий топширган битирувчиларга шаҳодатнома ҳамда шу касб бўйича (разряд, класс, тоифа) катталар таълим маркази билан тузилган шартномага мувофиқ тегишли ташкилотларнинг гувоҳномалари берилади.

6.10. Таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома ва ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномалар қора туш билан чиройли, аниқ қилиб қўлда тўлдирилади, ҳужжат мактаб директори томонидан имзоланади. Мактаб муҳри ҳужжатга аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолатда туширилиши керак. Битирувчига бериладиган ҳужжатларда ёзувларни ўчириш ёки ўчириб қайта ёзишга, бирор графанинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

Маълумот ҳақидаги ҳужжатлар битирувчи IX,XI (XII) синф ўқувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, унинг паспорти ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига асосланган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида тўлдирилади.

6.11. "Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар "Ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома (аттестат)ларни бериш ва ҳисобга олиш дафтари"-га, "Таянч таълимни битирганлик ҳақидаги гувоҳнома"лар "Таянч таълим тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш ва ҳисобга олиш дафтари"га қайд қилинади.

6.12. Республиканинг бошқа вазирлик ва идоралари тасарруфида бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларига таянч таълим бўйича гувоҳнома ва ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан берилади.

6.13. "Таянч таълим тўғрисидаги гувоҳнома"лар, "Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома"лар IX, XI (XII) синфларнинг битирувчиларига мактабда тантанали вазиятда топширилади.

6.14. Гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг берилиши қанчалик тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва бошқармаларининг зиммасидадир.

7. АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

7.1. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари "5", хулқи "намунали" бўлган, синфдан-синфга кўчирилувчи ўқувчилар мактабнинг "Мақтов ёрлиғи" билан тақдирланадилар.

7.2. Барча фанлардан йиллик ва якуний баҳолари "5" бўлган, хулқи "намунали" битирувчи тўққизинчи синф ўқувчиларига (жисмоний тарбия фанидан озод бўлса ҳам) "Таянч маълумот ҳақидаги аъло даражали гувоҳнома" берилади.

7.3. Барча турдаги мактабларнинг XI (XII) синфларида ўқиш давомида ҳамма фанлардан йиллик баҳолари "5" бўлган, якуний аттестациялар давомида битириш имтиҳонларини "5" баҳоларга топширган, хулқи "намунали" бўлган ўқувчиларга (жисмоний тарбия фанидан озод бўлса ҳам) "Аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома" берилади.

7.4. Битириш имтиҳонларидан саломатлиги туфайли (ушбу йўриқноманинг 4.1-банди иккинчи хатбошида кўзда тутилган ҳолларда) озод этилган IX, XI (XII) синф ўқувчиларига аъло даражали гувоҳнома ва шаҳодатнома берилмайди.

Наврўз бу йил ҳам дилларга ўзининг олам-олам қувончларини, ширин ташвишларини олиб келаётир. Уни ҳамма — болалару қиз-жувонлар, момолару боболар ҳам соғинишган.

Бу сиёсат ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш йўли билан амалга оширилиб, учта мақсадни кўзлайди:

Metodik tavsiya

СОҒИНТИРИБ ЯШАЙДИ НАВРЎЗ

Ўзбек халқининг қадим-қадимги миллий қадриятларидан бўлган Наврўз байрами ўқувчи-ёшларни умуминсонийлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик, тинчликсевар, меҳр-шафқатлилик, байналминалчилик, иймон-эътиқодлилик, саховатлилик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келаяпти ва унинг абадий тарбия воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаяпти.

Мактабларда, мактабдан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйларида барча таълим-тарбия даргоҳларида, маҳалла ва гузарларда Наврўз байрамини шодиёналик билан ўтказишга ҳар йили катта тараддуд кўрилади. Пойтахтимиздаги миллий боғдаги байрам тадбирларида айниқса, турли вилоятлардаги анъана, урф-одатлар намойиш этилади, одамлар бир-бирларига меҳр-оқибат улашадилар. Зеро, умумхалқ байрами Наврўз ҳар бир кишининг тайёргарлиги, ҳозирлиги билан гўзал ва нафосатлидир.

Наврўзнинг баҳор, шодлик, гул фасли сифатида, миллий урф-одатлар асосида тараннум этилишидан, унинг эзгулик, дўстлик, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод байрами эканлиги сезилиб туриши керак.

Наврўз байрамига оид амалий семинар, тарбиявий соат, очиқ дарс, адабий-бадиий, илмий-амалий кечалар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш, бир-икки соатга мўлжалланган сценарийлар тузиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларида мурғак қалб эгалари теварак-атроф, она ер, уйғониш фасли ҳақидаги илк тушунчаларни табиат қўйнида олгани маъқул. Бунда уларга майсалар, гуллар, қуёшнинг илиқ нури, кўкатлар ва улардан тайёрланадиган шифобахш таомлар, баҳор элчиси бойчечак, кўкламги илк ҳашаротлар ҳақида гапирилиб, она-табиат орқали улар қалбида борлиққа, Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотилади. Аждодларимизнинг Наврўз ҳақида айтган фикрлари, Наврўзнинг тарбиявий аҳамияти, келиб чиқиш тарихи Наврўзой, Деҳқонбобо, Гулчечак образлари орқали етказилади. Агар мана шу образлар болалар кўз ўнгида гавдалантирилса, Наврўз байрамининг қадр-қиммати биз ўйлаган даражада жажжилар онгига етиб боради.

Бошланғич, яъни 1—4-синфларда ўтказиладиган байрам тадбирларида Наврўзнинг қандай нишонланиши, байрамда айтиладиган қўшиқлар, унинг янги кун демаклиги, меҳр-оқибат байрами эканлиги, бемор ҳолидан хабар олиш, юмушларига ёрдамлашиш, кўча ва ариқларни тозалаш, гул ва кўчат экишнинг хосиятлари бола ёшига мос равишда тушунтириб берилади.

Умумтаълим мактабларининг 5-9-синфларида Наврўз шодиёналарига алоҳида тараддуд кўриш лозим. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар анчагина фаҳмли, зийрак, ҳаракатчан, ҳар нарсага қизиқувчан ва таъсирчан бўладилар. Наврўз тантаналарида ўзбек халқининг уфр-одатларидан "Ҳашар" ўтказишнинг тарбиявий аҳамиятини тушунтириш ва шу асосда кўча, маҳалла, қишлоқ мактаб атрофларини ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш анъанасининг қадим-қадимдан мавжудлиги қайта-қайта айтилади. Ўсмир ёшидаги болаларнинг бундай тадбирларга бевосита жалб қилинишида эса биз англаган ҳикматларнинг бир қанчаси мужассам.

Наврўз байрами тадбирлари мустақиллик даврида тамоман бошқача маъно касб этганлигига урғу қаратиш лозим бўлади. Озод юртда, обод мамлакатда Наврўз шодиёналари янги-янги мазмун билан бойишига кўзимизнинг, дилимизнинг гувоҳ эканлиги айни ҳақиқатдир.

Жойларда Наврўз тантаналарини ўтказиш ташкилий қўмиталаридан алоҳида тажриба, маҳорат, изланувчанлик ва ижодкорлик талаб қилинади. Буюк бобокалонларимиз — Навоий, Абу Райҳон Беруний, Жомий, Умар Ҳайём, Рабғузийларнинг Наврўз ҳақидаги адабий-илмий меросларидан, Юртбошимиз айтган ҳикматларидан унумли фойдаланиш, ўрганиш, амал қилиш байрам кечаларига файз, шукуҳ мазмун олиб киришини унутмаслик даркор.

"Истиқлолнинг истиқболли Наврўзисан!", "Наврўзда қизлар жамоли", "Курашда ҳалоллик енгади", "Соғлом авлод керак ҳаётга!", "Янгиланиш фасли", "Истиқболли Наврўз бу кун", "Наврўз ўзбек халқининг қадимий байрами", "Наврўз — алломалар назмида", "Наврўз — меҳнат байрами", "Наврўз — саломатлик байрами", "Наврўз — байналминал байрам", "Наврўз одобномаси" каби мавзуларда тадбир ва турли-туман танловлар уюштирилса, байрам қадри ўн карра, юз карра ошади. Ёш ижодкорлар орасидаги голиблар соврин билан тақдирланиши, рағбатлантирилиши лозим. Миллий анъаналаримиздан бўлмиш "Аскиябозлик", "Лапарлар", "Ёр-ёр", "Келин салом", "Пайровли айтишувлар"нинг бизга қадар етиб келганлиги уларнинг боқийлигидан далолат беради.

2002 йил Президентимиз томонидан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳаётимизда ибрат, тарбия вазифасини ўтайдиган қарияларни қадрлаш, эъзозлаш, вақти-вақти билан йўқлаб туриш, уларнинг мушкулларини осон, ҳожатларини раво қилиш таълим-тарбия муассасаларида ўтказиладиган тадбирларнинг маълум бир қирраси бўлиб қолиши керак.

Ҳомий ташкилотлар кўмагида қариялар уйига саёҳат уюштириш, "Қари билганни, пари билмас" мавзусида давра суҳбатини ташкил қилиш ҳам фойдадан холи эмас. Меҳнат фахрийлари, пиру бадавлат отахону онахонлар билан учрашувлар ўтказиш тавсия этилади.

Наврўз бу йил ҳам дилларга ўзининг олам-олам қувончларини, ширин ташвишларини олиб келаётир. Уни ҳамма — болалару қиз-жувонлар, момолару боболар ҳам соғинишган. Ёши улуғ отахону онахонлар дуога қўл очишиб: "Етказганига шукр" дейишмоқда. Чиндан ҳам остонамизни ҳатлай-ҳатлай деб турган Наврўзни соғиндик. Уни ҳар йилгидек, ўзимиз орзу қилгандек ва эсда қоларли тарзда нишонлашга таълим муассасаларининг муносиб улуш қўшишини истаб қоламиз.

Республика таълим маркази "Маънавий-маърифий ишлар" бўлими

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАЪЛИМДА

Fikr, mulohaza, taklif

Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ниҳоятда катта эътибор берилади. Сабаби – мазкур соҳа одамларни иш билан таъминлашнинг асосий омили ва аҳоли даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу тармоқнинг афзаллик томонлари кўп. Масалан, кичик корхоналар қисқа фурсатда фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятига эга.

Хўш, республикамизда иқтисодиётнинг муҳим қисми ҳисобланган ушбу соҳада аҳвол қандай? Бу борадаги мавжуд имкониятлардан қай тарзда фойдаланаяпмиз? Олий таълим тизимининг бу соҳани ривожлантиришдаги ҳиссаси қандай? Тан олиш керакки, ҳозирча амалга оширилаётган ишларимиз талаб даражасидаги натижаларни бераётганича йўқ. Буни қуйидаги далиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 24,5 фоизни, бандликдаги салмоғи 53 фоизни ташкил қилса, тараққий этган мамлакатларда эса ялпи ички маҳсулотнинг 60-70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳисобига яратилмоқда. Шу билан бирга, бу соҳа меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75-80 фоизини иш билан таъминлаётир. Бугунги кунда АҚШда 8 миллион, Японияда 5 миллион, Италияда 3 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта корхоналарнинг мавжудлиги бунинг тасдиғидир.

Агар республикамизда ҳар йили меҳнат ресурсларининг кўпайиши ўртача 200-230 минг кишига тўғри келаётганини ҳисобга олсак, яқин йилларда ходимлари сони ўртача 50 киши атрофида бўлган юз минглаб кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида бир неча миллион кишиларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради.

Иккинчидан, тадбиркорларимизда билим ва тажрибанинг етишмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари ҳам уларга кўп ҳолларда панд бериб қўймоқда. Агар ривожланган мамлакатларда кичик ва хусусий корхоналар рақобатга дош беролмай синса, бизда ёпилаётган корхоналар аксарият ҳолларда эскича фикрлаш, алмисоқдан қолган иш юритиш усуллари туфайли касодга учрамоқда. Бундай шароитда тадбиркорларнинг менежмент, маркетинг, бизнес ва таввакалчиликни бошқариш фанларини ўрганишларига, меъёрий ҳужжатларни яхши билиб олишларига, ҳар қандай ҳолатда тўғри қарор қабул қилиш малакасини эгаллашларига, ражатларни камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш йўлларини ўрганишларига кўмак бермоқ лозим. Бу улкан масъулиятни амалга оширишда олий таълим тизими ташаббускор бўлиши керак.

Учинчидан, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ишлаб чиқариш соҳасида етакчи мавқега эга бўлганича йўқ. Яъни, кўп тадбиркорлар фақат олди-сотди билан машғул. Бугунги кунда республикада рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта корхоналарнинг атиги 10,5 фоизи саноат, 6,3 фоизи қурилиш, 1 фоизи транспорт ва алоқа тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Ваҳоланки, кичик ва ўрта корхоналарни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида, жумладан озиқ-овқат, енгил, маҳаллий саноат тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида ва унинг хом ашёсини қайта ишлаш тармоқларида кенг ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, ҳали ҳамма жойда ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик иқтисодий ўсишнинг, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий омилига айланмаяпти. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бунинг сабаби: "Биринчи галда, аксарият одамлар онгида иқтисодий тараққиётни, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини кўпайтиришнинг бош омили бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка нисбатан муносабат тубдан ўзгаргани йўқ".

Хўш, олий таълим тизимининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш учун қандай тадбирларни қўллаш керак? Қандай қилиб олий ўқув юртларини, профессор-ўқитувчиларни ва талабаларни кичик ва ўрта бизесга жалб қилиш мумкин? Уларнинг бу соҳага, Президентимиз айтганидек, эркин келиб қўшилишини қандай таъминлаш мумкин?

Бунинг учун, биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнесга жалб қилинадиган субъектларга нисбатан рағбат уйғотиш лозим. Сабаби, қурук ташаббуснинг ўзи билан, қарор қабул қилиш ёки буйруқ орқали кишиларни бизнесни ривожлантиришга даъват этиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш қийин. Зеро, бозор муносабатлари шароитида тараққиёт асосини, аввало, манфаатдорлик белгилайди.

Шундай рағбат ва манфаатдорликни таъминлашнинг бирдан-бир йўли "тармоқлараро молиявий таълим-тадбиркорлик корпорацияси"ни ташкил қилишдир. Айнан шундай юридик шахс олий таълим тизимидаги мавжуд салоҳиятни кичик ва ўрта бизнесга эркин кириб келишини таъминлаши мумкин (схемага қаранг):

Бугунги кунда мамлакатимизда:

- 190 мингта кичик ва ўрта корхона;
- 1800 мингта деҳқон хўжаликлари;
- 44 мингта фермер хўжаликлари;
- 1300 мингта ширкат хўжаликларида пайчилар сони;
- 950 минг нафар акционерлар мавжуд.

Корпорациянинг функциялари

- Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини боғлаш, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш.
- Ўқув жараёнининг амалиёт билан алоқасини ўрнатиш, талабаларга ишлаш кўникмасини яратиш.
- Курс ва битирув ишлари, магистрлик диссертацияларининг амалиёт билан боғлаб ёзилишини таъминлаш.
- Кичик ва ўрта бизнес эҳтиёжига биноан кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш
- Институтларнинг бюджетдан ташқари молиявий маблағларини молиявий бозорга жалб қилиш ва даромад топиб, ўз мижозларини рағбатлантириш
- Кичик ва ўрта бизнесга кадрлар тайёрлаш ишини мувофиқлаштириб бориш
- Таълим кредитларини бериш ва ҳоказолардан иборат.

Корпорациянинг шакли ва ҳуқуқий базаси. Корпорация очиқ акционерлар жамияти шаклида ташкил этилиб, у "Корхоналар тўғрисида", "Акционерлар жамиятлари ва уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш", "Лизинг тўғрисида" ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланади.

Корпорация стратегиясида - ўз олдидаги вазифаларни бажариш йўлида капитал бозорида юқори даромадли фаол сиёсатни олиб бориш, бу жараёнга талабалар, магистрлар ва аспирант-докторантларни жалб қилиш кўзда тутилади. Бу сиёсат ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш йўли билан амалга оширилиб, учта мақсадни кўзлайди:

- кичик ва ўрта бизнес субъектлари, олий таълим тизими ва корпорациянинг ўзаро манфаатлари ва ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;
- олий ўқув юртлари дастурларидаги топшириқларни, (амалиёт мавзулари, курс ва битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари мавзуларини) бажариш, шунингдек, зарурий маълумотларни (ҳисоб ва ҳисобот, ишлаб чиқариш жараёни ва технология, техника ва ускуналар, бизнес-режа, менежмент ва маркетинг, реклама, кадрлар ва ҳоказоларни) тўплаш ва таҳлил қилиш;
- курс ва битирув иши, магистрлик ва номзодлик, докторлик диссертацияларидаги таклиф ва назарий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Шу тариқа корпорациянинг асосий мақсади, вазифа ва функциялари ўз ижобатини топади.

Корпорациянинг устав фондини шакллантириш. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, юқори мавқега эга бўлиши лозим бўлган юридик субъектнинг бошланғич устав фонди 30-50 млн. сўмдан ошмаслиги керак. Бу фонд ўз ҳоҳиши билан корпорацияга мижоз бўлувчи ташаббускор гуруҳлар, олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг омонатга қўйган маблағлари эвазига шаклланади. Дастлабки акциялар эмиссияси корпорация давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг амалга оширилади ва мижозларга сотилади.

Умуман, кичик ва ўрта бизнес бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг синалган шаклларидан бири. Агар биз уни таълимда ҳам ривожлантириш тадбирларини амалга оширсак, шубҳасиз, мамлакатимиз келажакда иқтисодий жиҳатдан ҳавас қилса арзийдиган давлатга айланади.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент молия институти ректори, академик

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИНИ КЎРИБ...

Qutlug' ostona

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида таълим олаётган ўқувчилар чизган расмлар ҳисобот кўргазмаси очилди. Булар танлов ғолиблари ишлари бўлиб, манзара, натюрморт, портрет, ғоявий мазмунга эга бўлган ихчам тасвирлардан иборатдир. Кўргазмада юздан ошиқ тасвирлар намойиши кўпларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмани томоша қилганлар 12-15 ёшлилар қобилиятига умид билан қарашмоқда. Улар уринишларига таниқли мусаввирларимиз Рўзи Чориев, Ортиқали Қозоқов, Акмал Нур, Акмал Икромжонов, санъатшунос олимларимиздан Акбар Ҳакимов, Рафаил Тоқтош, Абдували Эгамбердиев, Дилбар Саидова, Абдулҳай Умаров ва бошқалар яхши тилакларини билдириб, ижобий фикрларда бўлишаётир.

Кўргазмадаги тасвирларни қайта-қайта томоша қиларканман, таниқли мусаввирларимиз—табиат куйчилари Ўрол Тансиқбоев, Абдували Мўминов, Ғофур Абдураҳмонов, Баҳром Тожиев, тарихий мавзу жанрида тенги йўқ отахон мусаввир, мураббий, академик Малик Набиев, портрет устаси Абдулҳақ Абдуллаев, қолаверса, дунёга танилган Шарқ куйчиси Камолиддин Беҳзоду замонамиз Беҳзоди Чингиз Аҳмаровларни эсладим.

Бу болалар бир эмас, бир неча чет мамлакатларида бўлишибди. Санъатларини намойиш этиб танлов ғолиби бўлишибди. Ҳаммаси, Оллоҳга шукрлар бўлсинким, истиқлолимиз, тинчлигимиз, эркинлигимиз шарофатидан.

Ўн олти ёшли Нурхон Зиёхонова (1986 йилда Тошкентда туғилган)нинг "Бу ҳаёт" расми эътиборимни тортди. Кузатишлари, онги, фаросати кучли экан. Шу расми билан Ҳиндистоннинг "Шанкар" кўргазмасида иштирок этиб, "олтин медал"га сазовор бўлибди. Қизча пойтахтимиз ёшлари ҳаётини қаламга олган. Олдинда икки қиз бошида рўмол, ҳаё билан боришмоқда. Қай бирлари оврупоча либосларда, ярим яланғоч, баҳаёларча кийинишган. Уялмаслик учун айримлари қора кўзойнаклар ҳам тақиб олишибди. Бу тўғри, яланғоч юрса ҳам қора кўзойнакда уялишмайди. Бошқалар ундан ҳазар қилишлари мумкин. Машиналарга ҳам кўз тикаётганлар акс эттирилган. Ранглар ҳам, ўлчамлар ҳам меъёрида. Келажаги порлоқлигидан дарак бераётир. . "Тикувчи қиз" расми эса ҳаваскор мусаввира ўйлаган мақсадини янада тўлдиради.

Бобур Раҳмонов эндигина ўн иккига чиқибди. Унда она заминга муҳаббат кучлилиги сезилмоқда. Буни "Натюрморт", "Баҳор" тасвирларида сезиш мумкин. "Ёз" расмида боғбон бобо. Ишкомда пишган чарос. Бобо узум узаяпти. Неваралари дастёрлик қилишаётир. Бобо ва неваралар, ўта маҳорат ва завқ билан чизилган. Портретчилик ҳам чакки эмас. Табиат кўриниши худди ҳаётдагидек, беғуборликни англаймиз. Раҳмоновда ўзбек миллий курашига қизиқиш ҳам бор экан, "Кураш" тасвирида шуни кўраяпмиз. Миллий кураш расмда камкўстсиз акс этибди. Ўн икки ёшли Абуша Эмилнинг "Арғимчоқ" деб номланган машқи ҳам яхши чиқибди. Арғимчоқнинг қадимийлиги ўзига хослиги ҳаётий тасвирланибди. Олтин медал совриндорларидан яна бири наманганлик, ўн уч ёшли Иномжон Мамажоновнинг "Эрта баҳор", "Куз", "Қишлоқ манзараси" рангли расмларида манзарага мойилликни билса бўлади. Табиатнинг сўлимлиги, фазовий кенглик, бўшлиқлар ўз ифодасини топган. Табиатга мойилликни шу ёшда Миср, Эрон, Ҳиндистондаги санъат кўргазмаларида иштирок этган Замира Тошматовада ҳам сезамиз. Унинг "Ёмғирли кун", "Хиёбонда" тасвирлари анча жонли чиққан. Кузатишлари, тасаввури ҳам чакки эмас. "Ўзга сайёраликлар" расми кишини ҳаяжонга солади. Бу бор нарсага тушунганидан, дадиллигидан дарак бераётир. Тасвирлари анча ишонарли акс этибди. Худди шу томонларни ўн уч ёшли Мадина Толипованинг "Гуллар", "Сув ости дунёси" сифатли тасвирларида кўрамиз.

Кўргазмага қўйилган расмларнинг ҳаммаси ҳақида гапириш анча мушкул. Айрим диққатга сазоворлари ҳақида фикр билдираяпмиз. Ўн икки ёшли Фазлиддин Икромов Чехословакия, Япония мамлакатларида бўлиб, "Кўмакдош", "Мустақиллик", "Кулол" ва бошқа расмлари билан қатнашиб, кўргазма ғолиби бўлибди.

Кўргазма ниҳоясида намойиш этилаётган бухоролик ўн тўрт ёшли Аслиддин Ортиқов ижодида тарихий мавзуларни томоша қилиб, унинг истеъдодига умид билан қараймиз. "Мирзо Улуғбек", "Амир Темур ҳузурида" расмларида мураббий рассомимиз Малик Набиевга тақлид қилиш томонлари билинса-да, бу ёш ижодкорда ўзига хос, мустақил интилишларни сезамиз. Янгича йўналиш, янгича композиция, талқинлар акс этган. Тасвирларида жонланиш бор. Бундан ташқари "Бухорои шариф", "Хива хонлиги", "Кўҳна Урганч" тасвирларида ҳаётийлик, сезгирлик, тарихни пухта билишга уринишларни англаймиз. Булар барчаси ёшларимизнинг келажаги порлоқлиги, қобилиятидан дарак бераётир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти "Тасвирий санъат" бўлимининг илмий ходими

Математика ва табиатшунослик фанларига кунчиқар мамлакати жуда жиддийлик билан қарайди. Шу сабабли ҳам япон ўқувчилари халқаро олимпиадаларда юқори ўринларга эга бўлишмоқда.

"Қуёшнинг сўнг нурлари баланд дарахтларнинг учларида порларди, боғчада қушлар шохдан-шохга ўтиб, кечани ўткизиш учун ўнғай жой қидирарди".

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

5-МАҚОЛА

Qonun va fuqaro

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар дастлаб 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланганди. Мазкур қонун ўз даврида ўта прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, бир сўз билан айтганда, жамиятга тадбиркорлик руҳини олиб кирди, уни ҳуқуқий мустаҳкамлади. Кейинчалик соҳада 1995 йил 21 декабрда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида, 1999 йил 14 апрелда Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида қонунлар ҳам қабул қилинди. Юқоридаги 1999 йил 14 апрель қонуни амалга киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ўз кучини йўқотди. 2000 йил 25 майда **Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги** қонун қабул қилиниши ва амалга киритилиши муносабати билан юқоридаги икки қонун ҳам ўз кучини йўқотди. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун амалдадир. Мазкур қонун 6 бўлим, 51 моддадан иборат.

Қонуннинг асосий вазифалари — фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Тадбиркорлик, қонунда белгиланишича, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. Юридик ва жисмоний шахс-лар — тадбиркорлик фао-лиятининг субъектларидир.

Тадбиркор ўз фаолияти орқали товар ишлаб чиқаради ёки хизматлар кўрсатади. Уларнинг ихтисослашувига, фаолият кўламига ва ишловчиларнинг сонига қараб, қонун тадбиркорликнинг қуйидаги шаклларини фарқлайди:

— якка тартибдаги тадбиркорлик;

— жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлиги;

— микрофирмалар шаклидаги тадбиркорлик (ишлаб чиқариш тармоқларида ходимларнинг ўртача йиллик сони — кўпи билан 10 киши, савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида — кўпи билан 5 киши бўлган);

— кичик корхоналар шаклидаги тадбиркорлик (саноатда — кўпи билан 40 киши, қурилиш, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — кўпи билан 20 киши, фан, илмий, савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида — кўпи билан 10 киши бўлган);

— ўрта корхоналар шаклидаги тадбиркорлик (саноатда — 100 кишидан, қурилишда — 50 кишидан, қишлоқ хўжалик, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида — 30 кишидан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида — 20 кишидан кўп бўлмаган).

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари "бир идора орқали" тузилмоқда. Бунинг учун тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: масалан, якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза, 3х4 ўлчамли иккита фотосурат, рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати, муҳр ва штампи эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт топширадилар.

Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар — 3 кунда, юридик шахслар ва фермерлар — 12 кунда таъсис ҳужжатлари (гувоҳномаларни) олишлари лозим.

Давлат тадбиркорларга иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Айни пайтда тадбиркор ўзи тузган шартнома мажбуриятларини бажариши, ёлланган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, солиқларни вақтида тўлаб бориши, экологияга ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши шарт.

Миродил БАРАТОВ

ОЙБЕКНИНГ ИЛК ҲИКОЯСИ

O'qituvchiga yordam

Улуғ ўзбек адиби Ойбек муҳташам асарлари билан бадиий ижоднинг қарийб барча соҳаларида чуқур из қолдирган. Адиб кенг китобхонлар оммасига аввало "Қутлуғ қон" ва "Навоий" романлари билан маълум ва машҳур бўлса-да, унинг талайгина шеърий ва насрий асарлари борки, улар такрорланмас бадиий жозибаси, ғоя ва мазмунининг юксаклиги билан китобхонни мафтун этади. Шундай асарларидан бири "Гулнор опа" ҳикоясидир.

Ойбекнинг адабий ижоди 1922 йили "Чолғу товуши" шеъри билан бошланган. Унинг "Гулнор опа" ҳикояси ёзилган 1930 йилнинг 5 октябрига қадар бирорта ҳикоя ёхуд очерк ёзгани маълум эмас. Шунинг учун ҳам "Гулнор опа"ни адибнинг дастлабки насрий асари, дейишимиз мумкин. Аммо ҳикоя Ойбекнинг насрдаги илк тажрибаси бўлишига қарамай, унда яхлит ва тугалланган сюжет, аниқ ва ёрқин қаҳрамонлар, гўзал ва олижаноб ғоя бор. Ҳар қандай бадиий асар қимматини белгиловчи бу унсурлар ўзаро уйғунлашиб, гўзал бир ҳикояни вужудга келтирган.

"Гулнор опа" ҳикояси умумтаълим мактабларининг 5-синфида адабиёт дарсларида ўқиб, таҳлил этилади. Бунинг учун ўқитувчига 4 соат ажратилган. Ўқитувчи ана шу вақт ичида ўқувчини асар ғоявий мазмуни билан таништирибгина қолмай, ундаги бадиий латофатни ҳис этиши, қаҳрамоннинг маънавий ва руҳий оламида пайдо бўлган эврилишни тушуниши ва ундан ибрат олишига ёрдам бериши, шу асар мисолида адабиётга, хусусан, Ойбек ижодига нисбатан муҳаббат уйғотиши лозим.

Ҳикояга ажратилган 1-соат Ойбек ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги суҳбатга бағишланиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи суҳбат чоғида ўқувчилар эътиборини Ойбек ҳаёти ва ижодининг ибратли жиҳатларига, унинг Навоий сингари инсонпарвар адиб бўлганига қаратиши айни муддаодир. Зеро, "Гулнор опа" ҳикоясини ёзишдан мақсад ҳам худди шу нарсани — инсон руҳидаги мудроқ олижаноб туйғуларни, интилишларни юзага чиқаришдир.

Ҳикоя ёзилган кезларда Ойбек Ўрта Осиё Давлат университети(ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг иқтисод факультетини эндигина тугатиб, шу даргоҳда ўқитувчи этиб қолдирилган эди. Куни кеча болаликнинг беғубор оламида жавлон урган йигитчанинг университет дарсхонасига ўқитувчи бўлиб кириши унда болалик хотираларининг мавжланиб кетишига сабаб бўлди. Ана шу тарзда ёш адиб "Гулнор опа", "ФаноРчи ота", "Мусича", "Синган умид" деган ҳикояларини ёзди. Лекин бу ҳикоялар унинг учун аввало наср оламидаги дастлабки машқлар эди. Шунинг учун ҳам Ойбек уларни ҳаёт пайтида эълон қилмаган.

Ўқитувчи 2-соатда бевосита ҳикоя таҳлилига ўтиб, унда Ойбекнинг болалик хотиралари тасвирланганини айтади. Одатда бадиий асарда воқеа содир бўлган замон ва макон тўғрисида маълумот берилади. Аммо бу тасвир этилган воқеанинг қачон ва қаерда рўй бергани аниқ эмас. Ҳар ҳолда воқеа Ойбекнинг болалик йилларида, яъни XX асрнинг 10-йилларида эски Тошкентда рўй берган, деб айтишимиз мумкин. Бу давр эса адибнинг "Болалик хотираларим" деган асарида мукаммал тасвирга тортилган.

Ҳикоя болалар тепган тўпнинг дафъатан қўшни боққа бориб тушгани тасвири билан бошланади. Бу боғ Шокир отанинг боғи бўлиб, у ўзининг қаттиққўллиги билан "машҳур" эди. Шунинг учун ҳатто тўполончи болалар ҳам боққа киришга журъат этмайдилар. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Бадалжон тўпни олиш учун ариқ онбори оша боққа ўтади. Бу — асар муқаддимаси, шароит тасвири.

Адиб учун муҳим бўлган асосий воқеа боғда содир бўлади. Боққа кириб олган Бадалжоннинг бутун хаёли тўпда. Тўпни топиши билан унинг безовта кўнгли тинчийди-қолади. Аммо қайтишга ҳозирланиб, атрофга назар ташлаганида "деворга чирмашиб ўсган токнинг таги"да Шокир аканинг қизи Гулнор опа билан Турди сартарошнинг ўғли Асадга кўзи тушади. Ва Бадалжон ўзини дарҳол панага олади. Демак, Шокир ака йўқ. Бадалжон энди боққа ўғринча кирганидан чўчиш учун асос тополмайди ва панада ётаверади.

Ўқитувчи муқаддимадан кейин тасвирланган ҳикоянинг ана шу қисмини "Сир" деб номлаши мумкин.

Бадалжон боғдаги бу икки кишининг ҳаракатини кузатар экан, ўзи учун ва порлоқ туйғулардан бири — муҳаббатнинг нималигини билмайди. Гулнор опа билан Асад ака ўртасидаги муносабат унинг учун маъносиз нарса. Умуман, Бадалжон ҳали ҳаётий воқеа ва ҳодисаларнинг маъносини англаш даражасига етмаган. Шунинг учун ҳам у қичқириғи билан ўзини "жанг майдони"дан ғолиб чиққандек ҳис этади.

Ўқитувчи шу ўринда Гулнор билан Асад ҳолатида рўй берган ўзгаришни ҳам тушунтириб, Бадалжоннинг нега шу қадар севиниб кетиши сабабларини очиши лозим.

Ҳикоянинг биринчи қисми шу воқеа тасвири билан тугайди. Бинобарин, 3-соатда ўқитувчи ўқувчилар эътиборини ҳикоянинг иккинчи қисмига қаратади.

Бадалжон кечқурун сутга чиққанида Гулнорнинг онаси Хайри хола ундан Гулнор билан бирга майдондан ўтин олиб чиқишимкига, йиғламанг. Гулнор опа, йиғламанг", — дейди Бадалжон.

Агар ҳикоянинг ана шу қисмига эътибор берсангиз, унда икки сўз такрорланади. Биринчиси "опоси" деган сўз. Гулнор бу сўз билан Бадалжоннинг юрагига қўл солишга, унга ўзини яқин қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бу сўзда ялиниш оҳанги кучли. Иккинчиси эса "йиғламанг" деган сўз. Гулнорнинг оғир руҳий ҳолатга тушганини сеза бошлаган Бадалжонга унинг — ўзидан ёши катта қизнинг йиғлаётгани таъсир этмай қолмайди. Қолаверса, Гулнорни йиғлашга мажбур этган, уни шу аҳволга туширган ҳам унинг ўзи. Демак, у ўзи истамаган ҳолда айбдор бўлиб қолган. Шунинг учун у "йиғламанг" сўзини икки маротаба айтади ва у ҳам бу сўзга ялиниш оҳангини беради.

Энди ҳикоянинг ҳар икки қисмидаги Бадалжонни ўзаро муқояса қилсак, кейинги Бадалжон аввалгисига мутлақо ўхшамайди. Агар аввалгиси болалик шўхликларидан бошқа нарсани билмаса, Гулнор ва Асаднинг назокат билан тўла муҳаббатини кўриб, уларни изза қилишдан завқ-шавқ олса, кейингиси руҳан ўзгарган, маълум нарсаларни кўрганда ҳам гуллаб қўймайдиган, Гулнор сингари бокира қизларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган йигитчадир. Ҳикоянинг қимматли томони Бадалжондаги ана шу руҳий ўзгаришнинг маҳорат билан кўрсатилишида.

Ойбек ҳикояни тугатар экан, биз Бадалжондаги руҳий ўзгаришнинг ҳали узоқ вақт давом этажагига ишонамиз.

"Гулнор опа"га ажратилган 4-соатда ўқитувчи ҳикоя мазмунини яна бир бор эслатиб, ёзувчининг қаҳрамонлар образини яратиш ва асар ғоясини очишдаги маҳоратига тўхталади. Ҳикоянинг бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятини очиб беради. Сўнг яна ҳикоянинг сўнгги сатрларига ўқувчилар эътиборини жалб этади.

Ҳикоя бундай сўзлар билан тугаган:

"Майдондан ўтинларни ташиб бўлгач, Хайри холадан "лиммо-лим" сутни олиб, кўчага чиқдим. "Нега мунча ялинади, нега Хайри хола ўлдиради", дея ўйлаб кетаркан, оқшом менга Гулнор опанинг бахти-эрки каби бўш ва сирли кўринганди".

Бу сўзларни ўқигач, китобхон маъюс бир кайфиятга тушади. Бадалжондаги руҳий ўзгариш биз ўйлагандан кўра ҳам теранроқ экани маълум бўлади. Модомики, Ойбек Гулнорнинг ўксик ҳолатини оқшомга қиёс қилган экан, демак, яна бир оқшом тасвирини эслайлик: "Қуёшнинг сўнг нурлари баланд дарахтларнинг учларида порларди, боғчада қушлар шохдан-шохга ўтиб, кечани ўткизиш учун ўнғай жой қидирарди". Ҳикоядаги оқшом тасвирига ажратилган сўзлар фақат шулардан иборат. Аммо шу сатрларнинг ўзиданоқ тарихан муқим бир ҳолатнинг йўқлиги, мавҳумлик, ишончсизлик нафаси уфуриб туради. Энди Ойбек Бадалжон образидан чиқа туриб, бир танобча боғидаги меваларидан бирон донасини чет кишига кўрсатмайдиган, ҳатто анжир билан анор гулини тўкиб, кўзга илинадиган бўлганда санаб қўядиган Шокир отанинг ёлғиз қизи — Гулнорнинг бахти эрки каби бўш ва сирли эканини айтади.

Адиб бу сўнгги сўзлари билан воқеа содир бўлаётган тарихий даврга ва бу давр кишилари ҳақидаги ҳақиқатга ойдинлик киритади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

ЯПОНИЯДА БОЛА ТАРБИЯСИ

Xorijda ta'lim

Шарқ халқларининг теран мазмунли фалсафий қарашлари ҳамда тарбия масаласидаги инсонпарварлик, самимийлик ва меҳнатсеварликка даъват этувчи ўзига хос хусусиятлари ғарб мамлакатларини бугунги кунгача лол қолдириб келмоқда. Шарқ халқларининг "Учта ишнинг уддасидан чиққан инсон, яъни бола ўстирган, дарахт эккан ва китоб ёзган инсон ўлмайди" деган доно сўзлари ушбу ақиданинг инъикоси бўлса ажаб эмас.

Япониянинг ҳайратлар мамлакатига айлангани бир жиҳатдан бу ердаги таълим-тарбияга ҳам боғлиқ. Бу ерда бола тарбиясида миллий, халқ педагогикаси устун туради. Шунинг учун ҳам япон болалари каттага ҳурмат, кичикка иззат каби фазилатларни ёдларида теран сақлашади.

Япон мактаблари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз. Асримизнинг 40-йилларида шаклланган олти йиллик бошланғич, уч йиллик қуйи ўрта мактаб шу кунга қадар ўз моҳиятини йўқотмаган. Таълимнинг бу тизими мажбурий ва бепулдир. Бундан кейин ўқишни давом эттиришни истаганларга олий ўқув юртлари эшикларини очади. Бу таълим икки йилдан олти йилгача давом этади.

Мажбурий таълим мактаблари давлат муниципалитет органлари қарамоғида бўлади. Сўнгги йилларидаги статистик маълумотларга кўра, мажбурий таълимдан сўнг ўқишини давом эттирувчилар сони 96 фоизни ташкил этади. Ушбу маълумотдан ёшларга таълим-тарбия беришнинг ўзига хос дастури ҳамда ўзига хос сири мавжудлигини кўрамиз. Жумладан, барча таълим-тарбия ишларининг мақсади ва мазмунини ҳар бир шахснинг фақат ўзигагина йўналтириш, бунда унинг талаб-истаги ва шахсий хусусиятларига мос келадиган йўлларни, усул-услубларни қўллашдан иборатдир.

Япон мактаблари зарур бўлган барча техник анжомлар билан жиҳозланган. Замонавий гимнастик заллар, сузиш бассейнлари, спорт майдончалари ҳар бир мактаб учун хос.

Бошланғич синфларда ками билан 1800-2000 га яқин иероглифни ўқиб, ёза билиш шарт бўлса, китоблар ва газеталарни ўқиш учун эса 3000 га яқин иероглиф истифода қилинади. Бундан биз япон болаларининг билим олиши қанчалик мураккаб бўлишига қарамай, уларнинг ҳаётга, билимга иштиёқи нақадар баланд эканлигини кўрамиз. Бу ерда ҳар бир иероглифнинг бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида олам эканлигини билиш баробарида болаларнинг лотин алифбосини ҳам етук билиши талаб қилинади. Бу ҳарф белгиларини билишдан ташқари, мамлакатнинг ўтмиши тарихини ўрганиш учун қанча-қанча куч, ғайрат, сабр-тоқат, чидамлилик кераклигини тасаввур қилинг. Зеро, Японияда бугунга қадар кунсанаш Европа календари билан эмас, балки императорларнинг ҳукмронлик қилган йиллари билан саналади.

Япон мактабларида билим беришда ўта қатъий қоидаларга суянилади. Масалан, мактаб либоси ҳаммада бир хил — қаттиқ ёқали қора мундирдир. Бу либос 1868 йили император фармойиши билан киритилиб, шу кунга қадар алмаштирилгани йўқ.

Математика ва табиатшунослик фанларига кунчиқар мамлакати жуда жиддийлик билан қарайди. Шу сабабли ҳам япон ўқувчилари халқаро олимпиадаларда юқори ўринларга эга бўлишмоқда. Япон ўқувчилари фақат оғир меҳнатнинг натижасидагина кўзлаган мақсадига эришиши мумкинлигини ёдида қаттиқ сақлайди.

Япон кўчаларида "Сизнинг икки ёшли гўдагингиз келажакда етакчи фирма эгаси бўлишини хоҳласангиз, ҳозирданоқ ҳаракат қилинг" каби рекламаларни кўплаб учратасиз (Бу бўлажак тадбиркорларни тайёрлайдиган пуллик болалар боғчаси рекламасидир).

Тушликкача мажбурий таълим берадиган мактаб "дзюку" деб номланади. Унинг таржимаси "моҳирлик мактаби" ёки "тайёргарлик мактаби" маъносини англатади. Токиода "дзюку" мактаби илк бор XVII асрда очилган. Ҳозир Японияда "дзюку" мактабининг сони 200 мингга етади. "Дзюку"га 3 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар қатнайдилар.

"Дзюку" мактаби ҳар йили мактаб битирувчиларини синовдан ўтказади, синов натижаси ЭҲМ орқали кимнинг қандай имконияти бор, кимга қандай ўқув юртига бориш лозимлигини айта олади. "Дзюку" мактабининг хусусияти кўп: синфхоналар ёруғ, кенг, уларда беш боладан ортиқ бола ўқимайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи уларнинг ҳар бирига алоҳида муносабатда бўлади, шунингдек ота-оналар билан ҳам жуда яқин алоқа ўрнатади. Бу мактабда теран билим бериш билан бирга бола тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Ота-оналар фарзандларини мутлақо қаттиқ жазолашмайди. Улар қаттиқ жазо олган боланинг асаб тизими захмланади деб ҳисоблашади ва унинг ўрнига кўндириш, ишонтириш, тушунтириш, назарга олмай қўйиш каби усулларни кенг қўллашади. Фарзандларига яхши тарбия беришда оиладагиларнинг юриш-туришларига ҳам зўр аҳамият беришади. Шунингдек, болани етти ёшидан бошлаб ўз ишига масъулиятли бўлишга, ноқулай вазиятда қолмасликка, ўзини ва бошқаларни уятга қолдирмасликка ўргатадилар.

Япония ён томонларидан денгиз қуршаган, табиати гўзал мамлакатдир. Афсуски, сув тошқинлари ушбу табиатни тез-тез вайрон қилади. Шу сабабдан ҳам ҳар бир япон фуқароси табиатни муҳофаза қилишга астойдил интилади, ҳар бир нарсанинг табиий бўёғи сақланишини хоҳлайди. Ҳар бир меъморчи ўзи қураётган иншоотни табиат билан боғлашга, ҳунарманд эса ясаган буюмларининг табиий хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қилади. Ошпазлар ҳам таомларнинг табиий таъми ва турларини сақлашга интиладилар. Мана шундай табиий рангни, табиатни севишга ўргатиш Японияда бошқа давлатларга қараганда бир мунча юқори туради. Масалан, икебана — турли хил гулларни ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда йиғиш санъати япон халқи учун тарихи қадимдан бошланган, фалсафий теран маъноси бор, табиатнинг гўзаллигини акс эттирувчи санъат ҳисобланади.Шу боисдан ҳам бу ерда бирон-бир машҳур фирма ёки корхонага ишга қабул қилишда ходимларнинг икебана санъатини қанчалик ўзлаштирганликларига алоҳида урғу берилиши эътиборлидир.

Япон халқининг миллий хусусиятлари бўлмиш меҳнатсеварликдан тортиб, ота-онани, каттаю-кичикни ҳурмат қилиш, аёл кишининг эрига бўлган ҳурмати, оилада отанинг ўрни каби фазилатлари бизнинг халқимизнинг урф-одатларига жуда ўхшаш келади. Демак, японияликларининг ёш авлод тарбиясидаги ўзига хос сирлари билан танишиш орқали ўзимизнинг ҳам миллий тарбиямиз моҳиятини муносиб баҳолашимиз даркорлигини таъкидлашимиз керак.

Хорижий матбуот асосида Нурлан УСМОНОВ тайёрлади

ИЛМ ИЛА ЭЪТИҚОД МУСТАҲКАМ

Fanimiz fidoyilari

Самарқанд вилоятининг Даҳбед қўрғонида кўпгина азиз инсонлар, алломалар яшаб ўтишган ва бугунги кунда ҳам улар ҳаётини ўзларига ибрат билиб, элу юрт равнақи йўлида фидойи инсонлар бисёр бу ерда. Ана шу заминда туғилиб, Оқдарёнинг зилол сувлари, бағри кенг, бетакрор қалб соҳиблари бўлмиш меҳнатсевар инсонлари меҳридан қониб, инсон деган мўътабар номни улуғлаб келаётган, ўз касбига содиқ, камтар олим ва меҳрибон мураббий Ҳамид Тўрақулов ҳам айнан шу тоифа инсонлар сирасидан.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" асарида "Илм ўрганмоқ — эътиқодни мустаҳкамлаш учун, аммо бойлик ортирмоқ учун эмас", деган сермазмун фикрлари Ҳамид ака ҳаёт йўли ва фаолиятининг мазмунини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу оддий инсон бутун умрини илм сирларини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш учун сарфлаб келмоқда. Ҳамид аканинг камтарона, лекин барчага ўрнак бўладиган ҳаёт йўлига назар солсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳамид Тўрақулов илмий тадқиқот ишлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнида фаол иштирок этиб, 100 босма табоқдан ортиқ ҳажмдаги 90 га яқин илмий мақола, ўқув ва услубий қўлланмалар яратди. Олимнинг давр талабини ҳис этган ҳолда ўзбек, тожик ва рус тилларида яратган бир қатор услубий тавсиялари ва қўлланмалари талабалар эҳтиёжини қондириш, уларни ўқув адабиётлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳ.Тўрақуловнинг ҳамкорликда ва ўзи яратган "Геометрик оптика" (маърузалар матни), "Оптикадан лаборатория ишларини бажаришга доир методик кўрсатмалар" (уч қисмдан иборат), "Асосхои оптика" ва "Асосхои механика" (маърузалар матни), "Физикадан масалалар ечишга доир ўқув қўлланма" ва бошқа бир қатор ишлари бугунги кунда ҳам талабалар учун асосий манбалардан ҳисобланади.

Ҳамид ака намунали оила бошлиғи ҳамдир. У кишининг оила аъзолари маданияти, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, фидойилиги билан барчага ўрнак. Турмуш ўртоқлари Тожихон ая, фарзандлари — Лазиззжон, Шуҳратжон ҳамда Давлатжонлар Ҳамид ака каби жонкуярлик билан ўз жамоаларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Ҳамид Тўрақулов камтар олим, меҳрибон мураббий ва ташкилотчи раҳбар сифатида умуминсоний, миллий қадриятларни талабалар онгига сингдиришда, мустақиллик давридан фахрланиш туйғуларини шакллантиришда, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини тарғиб этишда фаоллик кўрсатиб келаётир. "Физикани ўқитиш жараёнида миллий қадриятлардан фойдаланиш" мавзуидаги илмий иши олимнинг давр билан ҳамнафаслиги ва жонкуярлигидан далолат беради. Айниқса, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда Ҳамид Тўрақулов ўзининг 60 йиллик умри давомида камтарона хизматлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир. Олимнинг орзу-ниятлари янада улуғ — билимдон, юксак маданиятли ва маънавиятли кадрлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун беминнат хизмат қилиш.

А.АБДУСАИДОВ,
филология фанлари номзоди,
М.ҚОДИРОВ,
физика-математика фанлари номзоди

Бугунги кунда ер юзида гиёҳвандлар сони 200 миллиондан ошганлигини айтган эдик, бу Индонезиядек улкан мамлакат аҳолисига тенгдир.

Пойтахтимиздаги муҳташам "ЖАР" спорт мажмуасида ўтган беллашувларда вилоятлардан ташриф буюрган 1000 нафардан зиёд ёш каратэчилар турли вазн тоифалари бўйича куч синашди. 200 га яқин олтин медаллар эгаларини топди.

ТЕРРОРИЗМ КАБИ ХАВФЛИ

Giyohvandlik-asr vabosi

Қадимшунос олимларнинг таъкидлашича, ер юзида инсоният пайдо бўлганига икки миллион йилдан ошган. Ер юзидаги органик ҳаёт мавжуд бўлган бу давр ичида одамзот оддий қабилада жамоа бўлиб ҳаёт кечиришидан то кучли демократик давлат қуришгача бўлган босқичдан ўтди. Айнан шу давр ичида одамзот ов учун оддий найзадан бошлаб то ядро қуролини ўйлаб топишга етарли бўлган илмни эгаллади. Шунингдек, инсоният ер юзида эришган муваффақиятларига қониқмай, коинотни ҳам забт эта бошлади. Ҳар бир янгилик (яратувчанлик) инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қила бошлади. Табиийки, ҳар бир ихтиро, ҳар бир янгилик инсон эришган ютуқлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Аммо шу билан бирга Ер деб аталмиш Она заминимиздаги ҳаётни издан чиқарувчи, инсониятни ҳалокатга етакловчи кўпгина ихтиролар, янгиликлар яратилдики, булар бевосита инсон манфаатлари учун эмас, балки унинг ўзига қарши ишлай бошлади. Машҳур файласуфлардан бири Арасту "Ўз-ўзига муаммо туғдирадиган одамзот энг устаси фаранг жониворлардан бири ҳисобланади", деган эди. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг "Инсон" қасидасидаги "Атомни ижод этиб, ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг" мисраси ҳам маъномантиқи жиҳатидан Арастунинг ғоясига анча яқин туради. Маълумки, охирига етган XX асрнинг иккинчи ярмидан то биз яшаётган ҳозирги кунимизга қадар бутун ер юзи бўйлаб гиёҳвандлик балосининг авж олаётганлиги инсониятга мислсиз ташвишу офатлар келтирмоқда.

Гиёҳвандликнинг жисмоний ва маънавий зарарлари ҳақида дунё оммавий ахборот воситалари орқали кўпдан-кўп маълумотлар берилаяпти. Унга қарши жаҳон микёсида биргаликда кураш олиб бориш тўғрисидаги халқаро ташаббуслар Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган эди. (БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси, 1993 йил 28 сентябрь, 50-сессия, 1995 йил 24 октябрь, 55-мингйиллик саммит, 2000 йил 8 сентябрь). Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам (Тошкент, 2000 йил октябрь) қатор халқаро анжуманлар ўтказилди, гиёҳвандликка қарши чора-тадбирлар кўриш мақсадида кўплаб маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилди. Лекин, афсуски бу бало ва офат ҳануз ўз ишини қилиб келмоқда.

Энг афсусланарлиси шундаки, бу номуборак касофат саналмиш гиёҳ моддаларининг моддий даромад орттириш мақсадида тижорат қилиниши ва кўплаб ёш авлоднинг гиёҳвандлик қурбони бўлаётгани чидаб бўлмас бир ҳолдир. Бу разолат манбаи саналмиш гиёҳвандлик дорулфунун талабаларидан тортиб, бошланғич ва ўрта таълим олаётган ёшларгача, эркагу аёллар ўртасида баробар илдиз отиб, палак ёзаётганлиги ақл-идроклари кишиларни, албатта, бефарқ қолдирмаслиги керак. Бу муаммо Лотин Америкаси чангалзорларидан то Тундра ўрмонларигача, Африка жанубидан токи Шимолий муз океанигача бўлган улкан ҳудуддаги халқлар ва элатларнинг энг йирик дарди, ғамидир.

Хўш, нима учун гиёҳвандлик XXI асрга келиб инсоният учун глобал муаммога айланиб қолди? Гиёҳвандлик — бу инсоннинг гиёҳванд (наркотик) моддасига нисбатан вужудга келадиган руҳий ва жисмоний қарамлигидир, яъни ўта оғир руҳий касаллик. Гиёҳвандлик эволюция жараёнида оддий ҳодиса эмас, бу эпидемия даражасига кўтарилган касалликдир. Гиёҳвандликни асримиз вабоси, даврнинг энг долзарб муаммоси деяпмиз. Шунингдек, бу бало ижтимоий хавфли иллат бўлиб, сўнгги йилларда бир қатор давлатларнинг миллий мусибатига (Афғонистон, Колумбия, Мексика, Таиланд, собиқ Бирма, ҳозирги Мьянма ва бошқалар) айланиб бормоқда. Бундан 10 йил аввал гиёҳвандлик фақат йирик давлатлар, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган эди. Лекин бугунги кунда ушбу эпидемия барча мамлакатларни қамраб олди. Бу иллатнинг даҳшатли томони шундаки, у бўлажак авлодни, фарзандларимизни заҳарлаяпти. Тиббиётга яқинроқ фикр билан боғлайдиган бўлсак, гиёҳвандлик — бу бош мия функциясини шикастлайдиган, асаб (нерв) ҳужайраларининг емирилиши, бутун организмнинг ички аъзолари фаолиятини издан чиқарувчи ва бевақт ўлимга олиб келувчи ўта оғир, сурункали хавфли касаллик ҳисобланади.

Бизнинг давримизда бу дард жуда тез тарқалмоқда ва инсоният бошига янада кўпроқ ғам-ташвиш солмоқда. Гиёҳвандлик оила муаммосидан бошлаб то мамлакатлар, миллатлар муаммосига айланиб бормоқда. Неча-неча оилалар ўз ҳаётида (яқин ўтмишида) гиёҳвандликнинг аччиқ қисматини бошидан ўтказмади, дейсиз! БМТ маълумотларида келтирилишича, ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси йилига 400 миллиард АҚШ доллари миқдорида "умумий даромад" келтиради. Қарангки, бу жаҳон савдосининг 8 фоизини ташкил этиб, дунё металлургия ёки автомобиль саноати умумий оборотидан кўра кўпроқдир. Ҳозир бутун дунёда 200 миллиондан кўпроқ киши гиёҳванд моддалар қабул қилади ва унга қарши курашга фақат саноати ривожланган давлатнинг ўзи (АҚШ, Япония, Германия, Англия каби давлатлар) йилига, эътибор беринг-а, ҳар йили 120 млрд. доллар сарфламоқда.

Гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчилик бир-бири билан кўпинча бирикиб кетгани учун БМТнинг унга қарши фаолияти 1997 йилдан янги, яъни янада самаралироқ босқичига кирди. Бугунги кунда бош қароргоҳи Венада (Австрия) жойлашган БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ягона ижрочи директор томонидан бошқарилмоқда. Бошқарма гиёҳванд моддалар савдоси, уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм ва бошқа ҳолатлар билан глобал микёсда кураш олиб бориш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бошқарма БМТнинг гиёҳванд воситалар устидан назорат бўйича халқаро дастури (ЮНДКП)ни ва бутун жаҳонда жиноятчиликни бартараф этиш маркази ҳаракатларини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда гиёҳвандликни биз қандай тушунишимиздан қатъи назар, кўз олдимизга ўз томирига героин юбораётган ёки кокаин моддасини татиб кўраётган ва охир-оқибат абстиненция ҳолатига (лолкидон ёки карахт бўлиб қолиш) гирдоб бўлган ёшлар келади. Таниқли шифокорлар билан мулоқотимиз, тиббиётга доир бир қатор илмий адабиётлар билан танишиб чиқишимиз айрим фикр-мулоҳазалар ва хулосаларга асос бўла олади. Гиёҳванд моддалари бу табиий ёки сунъий йўл билан олинган, онгнинг ўзгаришига, кайфиятнинг кўтарилишига олиб келувчи, тўлқинлантирувчи, гангитувчи ва тинчлантирувчи воситадир. Гиёҳванд моддаларига наша, қора дори, морфин, героин, кокаин, эфсурин, амфитамин, барбитуроблар, транивизаторлар ва бензодиазенин гуруҳига кирувчи дори-дармонлар киради. Уларнинг дунё микёсида қонуний ва ноқонуний истеъмоли бор. Тиббиётда рак (саратон) каби онкологик касалликларда оғриқни қолдириш ва тинчлантирувчи уйқу дорилар сифатида истеъмоли қонуний ҳисобланади. Гиёҳванд моддаларидан жисмоний ва руҳий эҳтиёжни қондириш сифатида фойдаланишни эса ноқонуний усул дейиш мумкин. Ноқонуний исъте-моли ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу инсоннинг бирон-бир кўрсатмаларсиз "кайф" учун гиёҳванд моддасини қабул қилишидир.

Ҳозирги кунда инсон руҳиятига таъсир этувчи ва унинг ушалмаган орзулар мамлакатига вақтинчалик сайр қилишига ёрдам берувчи бир неча хил гиёҳванд воситалари мавжуд. Албатта, бу гиёҳванд воситалари кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. Қадимда инсонларга кўкнори бошоғининг сеҳрли хусусияти, ундан тайёрланган сирли ва роҳатбахш деб қаралган, инсоният руҳиятига таъсир этувчи психоактив моддаларни тайёрлаш технологияси қандай маълум бўлганлиги ҳақидаги аниқ манбалар йўқ. Ўтмишдаги бошқа кўпгина кашфиётлар каби унинг дунё харитасидаги аниқ нуқтаси, ихтирочиси, ҳаттоки аниқ вақти ҳам маълум эмас.

Лекин айрим манбаларда келтирилишича, бу моддаларнинг ватани Яқин Шарқ мамлакатлари бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Айнан шу манбаларда гиёҳванд моддаларнинг нотиббий равишда истеъмол қилиниши асосан Шарқ мамлакатларида, хусусан Ҳиндистон, Хитой, бундан ташқари Америка қитъасида Колумбия, Парагвай, Эквадор каби мамлакатларда содир бўлганлигини кўрамиз. Бундан 5 минг йил аввал қуйи Месопотамия (ҳозирги Ироқ ва Эрон ҳудудига тўғри келади)да истиқомат қилган шуммерлар томонидан таркибида гиёҳванд воситалари бўлган ўсимликлар истеъмол қилинган бўлиб, уни қабул қилиш тартиби лойдан ясалган тахтачаларга битилган. Бу ёзувларда гиёҳлар "гил", яъни "қувонч" деб аталган. Кейин эса, Бобил давлатидагилар кўкнорининг хосиятидан воқиф бўлишганидан сўнг уни Миср ва Шом (Сурия)га олиб келишган. Эрамиздан аввалги 2737 йили Хитой императори Шен Нунанинг тиббиётга доир китобида "чамиши"нинг илоҳий кучи ва таъсири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Маълумотларга кўра, гиёванд моддалардан (чамишидан) Хитойда тегишли жарроҳлик операцияларида оғриқни қолдириш мақсадида фойдаланилган. Бундан икки минг йил олдин грек тарихчиси Геродот "Кавказ чўлликлари ва Қора денгизнинг шимолий қисмида жойлашган Скифия давлатининг урушқоқ ва кучли халқи ҳақида"ги китобида қуйидагиларни таъкидлаган: "... улар қандайдир дарахт шохларидан аланга қилиб, унинг атрофида айлана ҳосил этиб ўтиришади, алангага қандайдир ўсимликлар ёки уларнинг ҳосилларини ташлаб, чиқаётган тутунни ҳидлашар ва худди ичган одамдек маст бўлишарди".

Мана 6000 йилдан ошибдики, инсониятга гиёҳванд моддалар маълум бўлиб келмоқда. Гиёҳванд моддалари ҳақида Геснод (эрамиздан аввалги VIII аср), Геродот (эрамиздан аввалги V аср), Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз асарларида ёзиб қолдиришган. XVI асрда Парацельс олий гиёҳванд моддасини тиббиётда илк бор қўллади. Бироқ юқоридаги алломаларнинг ҳаммаси ҳам фақат дори сифатида фойдаланиб, гиёҳванд моддаларнинг касаллик чақирувчи омилларини ёритишмаган. Бунинг биринчи сабаби тиббиёт фанининг у замонларда ривожланмаганлиги бўлса, иккинчи тарафдан диний дунёқарашлар ҳам маълум даражада тўсиқ яратган.

Гиёҳвандликнинг жамиятга етказадиган зарарлари беҳад кўпдир. Гиёҳвандликка мубтало бўлган кимсада аввало ўзига, сўнг оиласига, касбига ёки ўқишига нисбатан қизиқиш, аҳамият ва парво ҳислари қолмайди. Айниқса, ишлаб чиқариш ва тараққиётнинг асосий кучи саналмиш ёш авлоднинг гиёҳвандликнинг биринчи навбатдаги қурбони бўлиши — бу жуда ачинарли ҳолдир. Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари фақат шахс ёки жамиятгагина эмас, балки бориб-бориб бутун мамлакатнинг соғломлиги ва барқарорлигига путур етказиши, сиёсий тузум ва қонунчиликнинг издан чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тарих саҳифаларидан маълумки, мустамлакачи давлатлар қайси бир кичик мамлакат халқини ўз итоатига бўйсундиришни хоҳласа, фақат қурол-аслаҳа воситаси билан эмас, балки ўша халқнинг, айниқса, ёшларнинг ақл-идрокини, ирода ва ҳамиятини сусайтирадиган, маънавий ва ахлоқий тушкунликка тушираднган воситаларни қўллашган. Шундай воситаларнинг ичида энг кучлиси — бу гиёҳвандлик моддаларидир. Зеро, бирон-бир мамлакатда рўй берган ижтимоий тушкунлик бориб-бориб иқтисодий таназзулга олиб келади. Моддий эҳтиёж эса хорижий давлатларга қарам бўлишни тақозо этади. Хориждан келадиган моддий, инсонпарварлик ёрдамлари эса доим ҳам беғараз бўлавермайди.

Ёшлар, маълумки, ҳозиримизнинг ярми бўлса, келажагимизнинг бутун бир яхлит кишиларидир. Гиёҳвандликнинг улар ўртасида тарқалиши катта ёшдагилар ўртасида тарқалишидан кўра хатарлироқдир. Зеро, ёшлар келажакдаги раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва ҳоказо кишилардир. Аҳолининг бу қавати қанчалик гиёҳвандликка кўп берилган бўлса, жамиятнинг келажаги шунчалик хатар остида бўлади.

Энди эътиборингизни айрим статистик маълумотларга қаратсак. Ўйлаймизки, бу рақам, далил ва мисоллар ҳар бир инсонни фикрлашга, мушоҳада этишга, сергакликка, демакки, огоҳликка даъват қилса, ажаб эмас. Бугунги кунда ер юзида гиёҳвандлар сони 200 миллиондан ошганлигини айтган эдик, бу Индонезиядек улкан мамлакат аҳолисига тенгдир. Мана бу мисол қарийб ярим йил аввалги маълумот бўлса ҳам, биз учун ниҳоятда керакли ва айни пайтда ҳушёр бўлишимиз учун даркор: қўшни Афғонистон ҳудудининг 110 минг гектар ерига ҳар йили қора дори экилиб, бир йилда ўртача 5-6 минг тонна "ҳосил" олиниб келинган. Ушбу мисол ҳам чуқур мулоҳаза учун: илмий тадқиқотлар ва социологик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки (ривожланган давлатлар мисолида) гиёванд моддалар истеъмол қилувчиларнинг 16,4 фоизи ишсиз, 8,6 фоизи қисман иш билан таъминланганлар, 77 фоизи тўлиқ иш кунига эга бўлганлардир.

Демак, гиёҳвандликка қарши кураш — бутун жаҳон муаммоси, умумбашарий, глобал масала. Бу айрим давлатлар ёки бирон-бир минтақанинггина дарду ғами эмас. Шу мақсадда халқаро ҳамжамият олдида ҳам улкан вазифалар турибди. БМТнинг гиёҳванд моддалар бўйича комиссияси ушбу моддалар устидан халқаро назорат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича ҳукуматлараро бош орган сифатида фаолият кўрсатмоқда. Таркибида 53 аъзо мамлакат бўлган ва ҳар йили йиғилишлар ўтказадиган комиссия дунё микёсидаги гиёҳвандлик вазиятларини таҳлил қилади, гиёҳванд моддалар устидан халқаро назоратни кучайтириш бўйича таклифлар тайёрлайди. 1998 йилнинг июнида чақирилган БМТ Бош Ассамблеясининг гиёҳванд моддаларни ноқонуний ишлаб чиқиш, сотиш, талаб, эҳтиёж ва ташиш ҳамда тарқатишга қарши курашга бағишланган махсус сессиясида дунё мамлакатлари ҳукуматлари гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатишнинг ҳақиқий глобал стратегиясини ишлаб чиқдилар. Гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилувчиларнинг кучлари ва таъсир доираларини қирқиш учун БМТнинг гиёҳванд воситалар устидан назорат бўйича халқаро дастури (ЮНДТК) ҳукуматларга гиёҳванд моддалар айланишидан тушган маблағларни мусодара қилиш, изларни йўқотишга ёрдамлашади. Шунингдек, у молия тизими ночорлигини камайтириш учун молиявий қидирув бўлинмаларини тузиш йўли билан судҳуқуқий тизими имкониятларини кенгайтириш мақсадида фаолият кўрсатадиган қиммати 4,3 миллион доллар турадиган дастурни қўллаб-қувватламоқда.

Шундай қилиб, гиёҳвандлик инсон жисмини қанчалик хароб қилса, худди шунингдек, шахснинг ва жамиятнинг мол-мулкига ва бойлигига ҳам мислсиз зарар етказади. У тинчтотув оилаларни бузади, болаларни етим қилади, қашшоқлик, охир-оқибат, касаллик, ўлим ёки қамоқхона билан якунланади. Демак, шундай экан, гиёҳвандлик офатидан халқимизни ва келажак авлодни халос этиш ва уларни моддий ва маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда доимо биргаликда ҳаракат қилайлик.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

ЯДРОВИЙ ЗАРБАЛАР РЕЖАСИ

Пентагон маъмурияти АҚШ алоҳида вазиятларда ядровий зарбалар бериши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхати ҳақида қуйидаги изоҳни билдирди. "Бу рўйхат умумий ҳарбий-стратегик тадқиқотлар ва кузатувлар натижасида тузилган бўлиб, ҳеч қандай амалий характерга эга эмас. Ва бу ядровий ҳужумлар эҳтимолини юзага келтирмаслиги керак".

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлнинг телевидение орқали чиқишида таъкидлашича, юқоридаги рўйхат Қўшма Штатлар амалий режаларига кирмайди.

Конгресс аъзоларига ҳавола этилган маърузада ёзилишича эса, АҚШ ўзига қарши ҳарбий таъсир ўтказиш, мумкин бўлган мамлакатларга қарши ядро қуролини қўллашга тайёр туриши керак.

НИЗО ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ғарбий Иерусалимдаги Исроил премьер-министри қароргоҳидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган "Момент" кафесида яна террорчилик ҳаракати содир этилди. 20 ёшли фаластинлик Фуад Хурани исмли йигит қўлбола портловчи мослама билан исроилликлар ўтирган кафега кириб, ўзини портлатиб юбориши натижасида 11 киши ҳалок бўлди. Бу қўпорувчилик ҳаракати учун жавобгарликни "Хамас" ислом-радикал гуруҳи ўз зиммасига олди. Бу воқеадан бир неча соат олдин Нетания шаҳарчасида отишма юз берган эди. Натижада фаластинликлардан 2 нафари ҳалок бўлган, 35 нафари яраланган.

ФАТХ ҳаракати вакилларининг айтишича, бу Исроилнинг Ғазо секторида Фаластин манфаатларига қарши қилган ишларига жавобан амалга оширилган.

QUTLOV

Ҳурматли Қўзибой МАТЁҚУБОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий табриклаймиз. Раҳбарлик фаолиятингизга, ибратли меҳнатларингизга муваффақиятлар, оилангизга тинчлик, хотиржамлик, сизга мустаҳкам соғлиқ-омонлик ва узоқ умр тилаймиз. Ниятларингиз амалга ошсин. Эзгу истакларимизни қабул қилинг.

Ҳазорасп туман халқ таълими бўлими
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп туман бўлими жамоалари

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази

2002 йил 12, 26 апрель, 10, 24 май кунлари Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида соат 10-00да кимошди савдолари ўтказилади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси, Жануби-ғарбий саноат ҳудудида жойлашган "TOSHTRANSMAXSUSQURILISH" АЖнинг ишлаб-чиқариш базаси, бошланғич нархи 37754489 сўм.

2. Ташкент шаҳар, А.Икромов тумани, Ҳ.Турсунқулов кўчаси, 178-уйда жойлашган Ирригация, кўкаламзорлаштириш ва гидротехник иншоотлар Махсус таъмирлаш-қурилиш трестига қарашли 1-сон таъмирлаш қурилиш бошқармасининг маъмурий биноси, майдони 121 кв.м., бошланғич нархи 1 966304 сўм.

3. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Тўёна кўчаси, 10-уйда жойлашган "УМГАТ"нинг давлат белгиси 3999 ТНБ бўлган "ЗИЛ-ММЗ-4502" русумли (самосвал) автомашинаси, бошланғич нархи 786668 сўм.

4. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 4-уйда жойлашган "SUVSANOATQUVVAT" ОКнинг 2ЭЦВ10-160-35г. типдаги электрнасос агрегати, бошланғич нархи 364906 сўм.

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг.

Биржа манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

"ЖАР"ДА БИРИНЧИЛИК ЯКУНЛАНДИ

Ёшлар ўртасида каратэ бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Пойтахтимиздаги муҳташам "ЖАР" спорт мажмуасида ўтган беллашувларда вилоятлардан ташриф буюрган 1000 нафардан зиёд ёш каратэчилар турли вазн тоифалари бўйича куч синашди. 200 га яқин олтин медаллар ўз эгаларини топди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳри спортчиларига насиб этди. Иккинчи, учинчи ўринларни Тошкент вилояти ва Самарқанд вилояти жамоалари эгаллади.

Бўлиб ўтган чемпионат мусобақаларини кузатиб, бир хулосага келдик: қаерда ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш, бўш вақтларини спортга жалб этиш ишларига жиддий муносабатда бўлинса, ёшларнинг жисмоний имкониятлари тўғри йўналтирилса, албатта, ўз самарасини беради. Зеро, соғлом бола нафақат ўзини бошқаради, балки жамият ривожига муносиб ҳисса қўша олади, ўз юртини дунёга танитади, авлодлари бардавомлигини таъминлайди.

БЕЛГРАД ТАНЛАНДИ

Баскетбол бўйича Европа чемпионати 2005 йилда Белград шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Халқаро баскетбол ассоциациялари федерацияси Мюнхенда бўлиб ўтган мажлисида ана шу қарорни қабул қилди. Бўлажак чемпионатни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси ўринбосари С.Човичнинг айтишича, бу қарор ўз кучида қолиши кўп карсаларга боғлиқ. Шартлардан бири 2005 йилгача мамлакат янги спорт саройини барпо этиши керак ва бошқа спорт мажмуаларини халқаро талаблар даражасида қайта таъмирдан чиқариши лозим.

Ана шу талабларни бажаришни ўз зиммасига олган Белград, Польша ва Германия вакилларига Европа чемпионатини ўтказиш ҳуқуқини "беришди".

ФУТБОЛ БАҲОРИ БОШЛАНДИ

Маълумки, ушбу ҳафтада футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоаларининг 2002 йилги мавсуми тантанали очилади. 16 март куни I-тур учрашувларига старт берилиши кўплаб ишқибозларнинг яна ўйингоҳларда завқланишларига имкон беради.

Бу йилги Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида иштирок этаётган "Насаф" клуби республика Футбол федерацияси рухсати билан дастлабки учрашувни муддатидан олдин ўтказди. Бекободнинг "Металлург" жамоаси устидан ўз майдонида қозонган ғалабаси қаршиликларнинг мавсум олдидан имкониятларини кенгайтирди.

Шунингдек, таркиби деярли янгиланган "Пахтакор" ҳам кубок баҳсларини бошлади. Тошкент вилоятининг "Дўстлик" клуби устидан 3:1 ҳисобида ғолиб чиққан пойтахтликлар ҳам бу йилги мавсумга нечоғли тайёргарлик кўрганини намойиш этди.

ЖАҲОН КУБОГИДАН ВОЗ КЕЧИШДИ

Россиялик тоғ-чанғи спортчилари 10 километрдан 4 босқичли эстафета мусобақасига чиқишдан бош тортдилар. Жаҳон кубоги босқичи ҳисобланган Швеция Фалунасидаги бу пойга бошланишидан олдин жамоа раҳбарлари таркибни ўзгартириш ҳақида келишиб олганлиги бир неча йил давомида шаклланган таркибдаги спортчилар руҳий ҳолатига ёмон таъсир қилган.

Бош мураббий А.Грушиннинг айтишича, бундай ҳолат Солт Лейк Ситида ўтган қишки олимпиада мусобақаларида ҳам юзага келган ва ижобий ечим топмаган.

Бу гал мусобақанинг олтин медали норвегияликларга, кумуш медал эса Швеция вакилларига насиб этди. Россиянинг иккинчи даражали жамоаси эса 9-ўрин билан кифояланди.

Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Тангриберган Дусчановга турмуш ўртоғи
Ўрозгул ДУСЧАНОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Паҳлавон Маҳмуд подшоҳга таъзим бажо келтиргач, ҳукмдорга хоразмча оппоқ, қалпоқ совға қилди.

Рай Чуна полвоннинг қўрқмас ва мардлигига ишонганди. Унинг юртдошларига нисбатан меҳр-муҳаббатига ҳам қойил қолди.

ҚҲҮНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД РИВОЯТИ

Муҳаммад пайғамбар — соҳиб каромат,
Тез-тез қабристонни айлар зиёрат.
Бир қабр бошидан ўтгани замон,
Қабрдан келибди нолаю фиғон.
Шунда халойиқни чорлабди ул зот,
Сўйлабди:—Қабрдан келмоқдадур дод!
Кимнинг қабри эрур?— Расулдан савол,
Олдинга чиқибди бир мўйсафид чол.
—Менинг ўғлим эрур бу ерда ётган,
Жудолик азоби сочим оқартган.
Эркалаб ўстирдим кўзим оқидек,
Ўзимдан ҳам ўтган қусурлар ҳам лек.
Бир вақт зардор эдим, катта савдогар,
Ўғлим ўрганмади на илму ҳунар,
Кўнгли не истаса мен айладим тахт,
Одоб-тарбияга тополмадим вақт.
Улғайди дангаса, текинхўр, беор,
Гоҳида май ичиб ўйнарди қимор.
Бутун бойлигимни тезда совурди,
Ўз ёғимга ўзим шундай қовурди.
Бундайин фарзанддан бўлдим норизо,
Улки бул фурсатда айлади қазо.
Пайғамбардан буйруқ бўлди бу кезда:
— Қабрнинг устини кўтаринг тезда.
Қабр очилдию ушбу фурсатда,
Чол ила халойиқ қотди даҳшатда.
Олов ўрмаларди осмонга томон,
Ичида ёнарди фарзанд беомон.
Ушбу даҳшат ичра чолнинг ноласи,
Ки бебурд бўлсада унинг боласи.
— Розиман ўғлимдан, шафқат қил Оллоҳ,
Асли унда эмас, мендадир гуноҳ.
Розилик бўлдию олов ҳам тинди,
Гўёки қабрдан чечаклар унди.
Билки, қиссамиздан шул бўлди унум,
Отани ўкситган дўзахга маҳкум.

Шуҳрат НАСИМОВ

«ПАДАРКУШ»НИ ЎҚИБ...

Хуршид Давронга

Мен дедим: "Умрнинг маъноси нима?"
Деди у: "Шам эрур, бир ёниб учар".
Ва деди: "Дунёга бино қўйганлар
Жаҳондин бе анвар, бесамар кетар,
Эзгуликка томон қадам қўйганлар,
Орзуси ушалар, мақсадга етар".
У эса, Оллоҳни дилга жо этиб
Ва сўнгра боболар измидан кетиб,
Қуёш нури ила қалам чархлади.
"Падаркуш" аталмиш битта шеър битиб,
Улуғбек шамширин зўр қурол этиб,
Қанча падаркушлар йўлин боғлади.
Истиқлол дардида бекафан кетган
Минг-минглаб шаҳидлар руҳин шодлади.
Балки шунданмикан саҳарлар туриб,
Самарқанд тарихин юракдан битган.
Темурбек қолдирган тулпорга миниб,
Юксак чўққиларни сўз-ла забт этган.

Зариф МАТЧОНОВ,
ўқитувчи

Ота ўғлидан:

— Менда ўнта олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади? — деб сўради.

— Билмайман, — деди ўғли. — Биз мактабда масалани апельсинда ечамиз.

* * *

Китоб магазинига кирган киши сотувчи аёлдан сўради:

— "Эркаклар аёлларни эъзозлаши керак" деган китоб борми?

— Фантастика бўлими қўшни хонада.

* * *

Автобус бекатида ғирт маст киши симёғочга суяниб турибди. Бошқа бир маст унинг олдига келиб сўраяпти:

— Нима қилаяпсан бу ерда?

— Автобус кутаяпман.

— Жиннимисан, ким сени бундай узун ёғоч билан автобусга қўяди?

* * *

Нотиқ узундан-узоқ нутқидан сўнг тингловчилардан сўради:

— Саволлар борми?

— Бор.

— Марҳамат.

— Соат неча бўлди?

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(Тарихий ҳикоя)

I

1287 йилнинг кузи. Бу ерларда куз Хоразмникидан ўзгача, серёмғир ва иссиқ. Қоп-қора озғин одамлар кўчама-кўча тентирайди, кеч тушиши билан тўғри келган ерда ётиб қолади. Биров билан бировнинг иши йўқ.

Деҳлига кеч кирганда Ўрта осиёликларга хос баланд бўйли, елкаси яғриндор, панжалари ўқлоғдек, узун қўллари дарахтни тортса илдизи билан қўпориб юборгудек, вужудидан куч ёғилиб турган, бошига оқ қалпоқ кийган полвон кириб келди. Полвон оёғини кўтариб босганда йўлнинг тупроғи бир қарич пасаяди.

Паҳлавон қаршисида муштдек бўлиб қолган ҳиндлар, унга тикилганча ўзларини йўлдан четга олишди. Бу алп Паҳлавон Маҳмуд эди. Бир ҳинди хотин унга бошини кўтариб тикилганида, бошидаги қовоқ кади ерга тушиб чил-чил синди, тупроқ оппоқ гуруч билан қопланди. У шаҳар марказидаги Ҳиндистон подшоҳи Рай Чуна қароргоҳига етиб келди. Подшо саройи дарёнинг икки бетига жойлашган бўлиб, уларни дарё узра кўприк боғлаб турарди. Бу икки иморатнинг бири оқ, иккинчиси қора мармардан қурилган эди. Оқсаройда Рай Чуна яшаса, қора мармарли саройда хотини, икки қизи чўрилари билан ҳаёт кечирарди.

Паҳлавон Маҳмуд Оқсарой олдида бир зум тўхтади-да, оҳиста қадам ташлаб зиналар орқали подшоҳ қароргоҳи томон кўтарилди. Эшик олдида икки сипоҳий найзаларни бир-бирига теккизиб, унинг йўлини тўсди. Паҳлавон бир зум сипоҳийларга тикилди-да, бошидаги салласига зумрад тамға қадалган соқолли сипоҳийга деҳлавий тилида ҳиндча талаффуз билан:

— Подшоҳи олам томонидан эртага бўладиган курашга таклиф этилганмиз, — деди.

II

Паҳлавон Маҳмуд кенг ва ёруғ, баланд устун ўрнатилган сарой залида алвон гиламлар устида борар экан, камалакдай товланаётган гиламдаги товус расмларига ҳайрат ила тикиларди. У неча хону подшоҳлар саройида бўлган, Эрон—Туронни қанча кезган, аммо бунингдек гўзал саройни биринчи кўриши эди.

Полвон тахт рўпарасига келди, одатга кўра тиззасини бироз букди, бу унинг подшоҳга ҳурмати эди.

— Олампаноҳ Рай, сизни қутламоқ бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман, Оллоҳга минг шукрлар бўлсин! Сизга узоқ умр ва халқингизга тинчлик тилайман. Таклифингиз учун қуллуқ, полвонлар билан курашиш учун имконият яратганингиздан бошим осмонга етди.

Ҳинд подшоҳи Рай Чуна бир зум хоразмлик паҳлавон ҳолатига қараб туриб: "Нақ Рустами достон экан, сипоҳийлар ичида шундай полвон бўлса, душман билан олишмоқ жуда зўр бўларди-да", деган хаёлда ҳукмдор деҳлавий тилида паҳлавонга хитоб қилди:

— Сизни кўрмоқ орзуимиз эди. Кураш мард юраклилар иши, майдонда куч синашиб кўрарсиз. Дунёнинг энг зўр полвонлари ташриф буюришган.

Паҳлавон Маҳмудга подшоҳ сўзларини таржима қилишга ҳожат қолмади. Негаки, у Хивада Деҳлавий тилини мукаммал ўрганган, ҳатто бу тилда шеърлар ҳам битар эди.

Паҳлавон Маҳмуд подшоҳга таъзим бажо келтиргач, ҳукмдорга хоразмча оппоқ қалпоқ совға қилди. Совғани олар экан, ўз мамнунлигини билдириш мақсадида подшоҳ ҳам унга олтин камар совға қилди.

III

Эртасига ҳинд подшоҳининг кураш майдонида Чин, Япон, Эрон, Рум, Озор ўлкасидан келган ўнлаб полвонлар ўртасида кураш бошланди. Ҳинд подшоҳи Рай Чуна икки қизини ёнига олиб, махсус шоҳсупадан жой олди. Мулозимлар унинг орқасида икки қатор бўлиб, саф тортишди. Олд томондан шоҳсупа ойна билан тўсилган эди.

Дастлаб Чин ва Эрон полвонлари курашга чиқди. Ноғораларнинг овозлари бутун шаҳарни тутди. Одамлар томошагоҳга сиғмай кетди.

Паҳлавон Маҳмуд полвонлар ҳаракатини хўп ўрганди, навбат кутди. Ҳамма тарафма-тараф кураш тушди. Охири ҳинд подшоҳининг полвони Рапай полвон қолди.

Ҳинд подшоҳи туриб:

— Қани, узоқ Хоразмдан келган паҳлавон йигит келсин, майдонга чиқсин! — деди.

Паҳлавон Маҳмуд устки кийимларини алмаштирди-да, белига сигир терисидан тикилган белбоғни маҳкам боғлади. Майдонга чиқар экан: "Яратган эгам қўлласин, ўтган пайғамбарлар қўлласин, омин!"— деди. Унинг шериклари ва икки-уч томошабин юртдошлари ҳам унга омад тилади. Рапай даврани бир айланиб, Паҳлавон Маҳмуд рўпарасида пайдо бўлди. Маҳмуд Рапайдан икки қарич баланд келди. Елка-елкага тегди. Рапай хоразмлик полвоннинг белидаги сигир терисидан бўлган белбоғни қўлига ўраб, бир тортиб кўрди. Полвон қилт этмади. Паҳлавон Маҳмуд Рапайнинг белини қучди. Путини бир силтаб тортганди, кўкраги Рапайнинг кўкрагига тегди. Рапайнинг бўйин томири бўртиб кетди. Маҳмуд бир силтаб, рақибини бошидан ошириб отди. У оёғи осмондан бўлиб, елкаси билан ерга қулади, елка суяги қарс этди, кўзларидан ёш оқди.

Маҳмуд аста қўли билан унинг кўкрагидан босиб, ҳинд подшоҳи томон бир қараб қўйди. Подшоҳ юртдошининг енгилганидан юзлари қизарди. Ҳамма томонни қийқириқ ва чапак овозлари тутиб кетди. Ҳинд шоҳи Рай Чуна ўртага тушиб, Паҳлавон Маҳмуд белига олтин белбоғни боғлаб қўйди. Уни кечки зиёфатга таклиф қилди. Саройда ярим кечагача Паҳлавон Маҳмуд шарафига базм бўлди. Ҳамма ўйин-кулгу билан машғул бўлди. Раққосалар ўйини тонггача давом этди. Тонгда у юртдошлари билан ўзи яшайдиган дарё бўйидаги карвонсаройга кетди.

IV

Карвонсаройда икки ҳафта бўлиб, полвон Ҳиндистонни хўб томоша қилди. Бомбей шаҳрини кўриб келди. Катта уммон бўйига чиқди. У Бомбейдалигида Чин мамлакати подшоҳи Ча Чи Ҳиндистонга уруш бошлабди, деб эшитди. Деҳлига етиб келганда шаҳар қўрғонлари тошлар билан ўралган, тўплар урушга шай қилиб қўйилган, сипоҳийлар фил ва отларда устига металл қотишмасидан қилинган совут кийиб олганди. Уни Рай Чуна ҳузурига чақирди:

— Сиз бизни ташлаб кетманг, йўл хатарли. Биз улар билан доим уруш ҳолатидамиз. Кашмирликлар эса бир сафар биз томон, иккинчи сафар улар томондадир. Яхши биламизки, сиз мард ва қўрқмассиз. Менинг қўриқчим бўлинг!

Паҳлавон Маҳмуд шу кундан уст-бошини темир совутга алмаштирди.

Одамлар филда ва отда дарё юқориси томон қўлларига болта, найза кўтариб душман йўлини тўсишга йўл олди. Ўрмон ичидаги ўтлар фил ва отларнинг юришига ҳалақит берарди.Ummon чеккасида Чин ҳарбийлари билан тўқнаш келди. Улар найза ва учига темир қопланган камон билан қуролланган эди. Чин ҳарбийлари чумолидек тўхтовсиз лашкар тортиб келарди. Ҳинд сипоҳийлари фил ва отлар билан улар устига ташланди. Сур-сурда йиқилган ким, ким ярадор, ўлган ким, билиб бўлмайди. Дарё суви ҳам қип-қизил рангга бўялди. Чин армиясининг 10-15 лашкари Рай Чуна турган ерга яқинлашиб қолди. Буни Паҳлавон Маҳмуд узоқдан кўриб турарди. Тезликда у подшоҳ ҳимоясига ошиқди. Хоразмлик Паҳлавон Маҳмуд бошига дубилга кийиб, бетини ўраб жангга кирди. У ойболтани чаққонлик билан от устида ўйнатди. Душман орқага таслим бўлди. Рай Чунани жанг майдонидан олиб чиқиб, фил устидаги тахти равонга чиқаришди. Рай Чуна унга қайта-қайта раҳмат айтди. Жанг икки кун давом этди. Чин ҳарбийлари қанча кўп бўлишса ҳам, чекинишди. Рай Чуна ғалаба билан Деҳлига қайтди. Жанг паҳлавон Маҳмуд кайфиятига жуда ёмон таъсир қилди. Ахир қанча-қанча одамларнинг қони тўкилди.

Орадан уч кун ўтгач, уни подшо Рай Чуна саройига таклиф этди. Унинг ёнида ўша томошагоҳда кўрган, пешонасига қоп-қора хол чизилган, бурнида олтин ҳалқа икки қиз ўтирарди. Худди икки шам ота юзини ёритиб турарди.

Подшо унинг ҳурматига зиёфат берди. Идишларда шароб тортилди. Раққосалар ўйин тушарди.

Подшо Маҳмудга юзланиб деди:

— Полвонлигингга қойил эдим, мардлигингга яна қойил қолдим. Сенга хазинамдан кўп бойлик инъом этаман. Неки тилагинг бўлса, айт, полвон.

Полвонпир деб ном олган Паҳлавон Маҳмуд узоқ ўйлаб ўтирмади. Негаки, бойлик топилади, унга бугун бойлик не даркор? Ҳиндистон подшоҳи қамоқхоналарида юртдошлари бор деб эшитганди.

— Менга, олампаноҳ, ҳеч нарса керакмас, бир қорним битта нону бир коса сувга тўяди. Агар илтимосимни ерда қолдирмасангиз, қамоқхоналардаги хоразмликларни озод этсангиз. Уларни ота-оналари, аёллари, фарзандлари кутмоқда.

Рай Чуна полвоннинг қўрқмас ва мардлигига ишонганди. Унинг юртдошларига нисбатан меҳр-муҳаббатига ҳам қойил қолди. Уларга озодлик берди.

Паҳлавон Маҳмуд озод бўлган асирлар билан Ҳиндистондан Помир орқали ўз юртига йўл олди. Ҳаво илиқ, ёмғир ёғиб турарди. Ҳиндистонга баҳор келган эди. Ҳаммаёқ қип-қизил алвон лолазор, атроф кўм-кўк кўйлак кийган ёш келинчакдек.

Паҳлавон Маҳмуд эса Ватан сари юртдошлари билан бирга кетиб борарди...

Анвар ЖАВЛОНОВ

Xullas...

ҚИММАТГА ТУШГАН ТАНЛОВ

Челябинск иқтисод ва ҳуқуқ институти фойесида талаба қизлардан икки нафарига "кетворган" аёл дуч келиб қолди. Таклиф шундай бўлди:

— Билимдонлар танловига қатнашишингиз мумкин. Мен уша танловнинг ташкилотчиларидан бириман.

Қизлар соддагина экан, унинг найрангига чиппачин ишонишди. "Бунинг учун сизларга чиройли кўйлак керак", дея ҳалиги хоним уларни савдо марказига бошлаб кирди: "Либосларни кийиб кўришга халал берувчи тақинчоқларни четга олиб қўйинг".

Бу гал ҳам қизлар фирибгарларнинг амрини сўзсиз бажаришиб, кўйлакларни кийиб кўра бошлашди. Албатта, қуллардаги узук, қулоқлардаги зирак ва бўйинлардаги олтин занжирларсиз. Прокатга олинган кўйлаклардан иккитаси танлангач, улар савдо марказини тарк этишди. "Тилла буюмларингиз менда турсин, танловда тақинчоқларга эмас, билимларингизга қарашади".

Аслида ҳеч қандай танлов эмас, балки тақинчоқларни қандай қилиб қўлга киритиш учун елиб-югураётган хоним беш дақиқадан кейин қайтиб келишини айтиб, қаёққадир гойиб бўлди.

Бу ёғи эса маълум; найрангбоз, қайтиб қорасини кўрсатмади. Қизлар эса... догда қолишди. Тақинчоқлар ё топилади, ё топилмайди. Гапнинг муҳими, лақма, ишонувчан бўлмасликда.

ПОЛК ЎҒЛИ

Онасиз қолган Саша ва Коля Калаевларнинг отаси қийналгандан қийнала бошлади. Онанинг ўрни бошқача-да.

Оиладаги мушкулотни зимдан кузатиб, ҳис қилиб юрган офицер қўшнилар отанинг жонига оро кириб қолишди. Қарасаки, ўғил болалар бўлгуси аскарлар, улар ҳақиқий йигит қилиб тарбияланиши зарур. Шундай қилиб Саша ва Коля полкка олиб келинди. Радиация, кимёвий, биологик ҳимоялар бригадаси командири Олег Линев болаларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсата бошлади: ейиш-ичиш, кийим-кечак полк ҳисобидан. Бундан ташқари, ҳарбий машғулотлар, офицерлар билан суҳбатлар...

Бундай ҳаёт Саша ва Коляга сарғдек ёқиб тушганлиги ҳам маълум. Бекорчи вақтнинг ўзи йўқ, ҳар бир дақиқа ҳисобли. Уларнинг гавдасига мослаб тикилган аскарча форма офицерларда жиндай кулгу ҳам уйготди.

Йигитчалар улғайишиб, ким бўлишидан қатъи назар, келгусида улар чинакам уғлонлар бўлишига шак-шубҳа йўқ. Армия кичик ёшиданоқ улар учун жонажон уйга айланди.

ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚ

Қозон туғруқхоналаридан бирида дунёга келган чақалоқ тишли эди. Бу кам учрайдиган ҳодиса. Шифохона ходимлари таажжубдан елка қисишди. Бола бошқа томондан рисоладагидек: оғирлиги уч кило, соғлом ва барча чақалоқлар сингари йиғлаб туғилди.

Бу ҳолнинг сири номаълум. Эҳтимол, она ҳомиладорлик пайти бўрилар ҳақидаги китобларни уқигандир, эҳтимол, кинолардан таъсирланиб қўрқувга тушгандир.

Сабабсиз ҳеч қандай оқибат руй бермаса керак. Тишли чақалоқнинг умри узоқ бўлишини нафақат ота-онаси, қариндош-уруғлари ҳам тилашяпти.

ana shunaqa gaplar

ЖАВЗО

Эгизаклар (Близнецы)
22 майдан 21 июнгача

Унсури — Ҳаво. Ҳомийлари — Уторуд (Меркурий), Прозерпина.

Деярли барча жавзолар ҳар доим сергак ва дилгир, узларини узлари руҳан ҳолдан тойдиришади. Кўпинча Жавзо худди ниманидир йўқотиб қўйишдан қўрқаётгандай туюлади. Жавзолар биратўла ҳамма жойда улгуришни, барча китобларни ўқиб чиқишни, инсониятга маълум жами сир-синоатдан хабардор бўлишни, айни пайтда, буларнинг ҳаммасини имкон қадар тезлик билан амалга оширишни исташади. Улар тинглаш ва кўришга бошқалардан кўра кўпроқ мойил. Ўта таъсирланувчан ҳам. Жавзоларда кишиларнинг кайфиятини кўтариш қобилияти бор. Жавзо пайдо бўлиши билан даврлар жонланади, шавқ, қувноқлик ва жонли суҳбатлар билан давра қизийди. Жавзо ҳушмуомала ва у билан мулоқотда бўлиш ҳар доим енгил. Уларга кескин бирон-бир айб

Munajjim bashorati

қўйиш ярамайди. Чунки уларнинг феъл-атвори худди жавзолар ҳомийси Уторуд сайёрасининг рамзи бўлмиш — симоб каби тутқич бермас ва ўзгарувчан. Ўзгарувчанлик эса (ҳам жисмоний, ҳам руҳий) улар учун зарурият. Чунки ҳаво сингари уларнинг ҳам табиатларига муҳим макон, доимийлик деган тушунчалар мутлақо ёт. Улар ҳам жисмонан, ҳам руҳан доимо ҳаракатда бўлиб туришлари керак. Йўқса, саломатликларини йўқотиб, касал бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Начора, улар табиатан шундай яралган. Шунингдек, улар иккифеъллиликлари билан ҳам бошқалардан кескин ажралиб туради: уларнинг вужудида гўёки икки одам яшайди. Ақли тез . Уларга тез ақл ва чаққон қуллар талаб қилинадиган ишлар билан шуғулланиш ёқади.

Ижобий фазилатлари: заковатли, ҳар қандай фаолият турига қобилиятли, фаҳми тез, бир пайтда бир қанча ишни амалга ошира олади, киришимли, тадбиркор, сергайрат.

Салбий хислатлари: гапга кирмас, терс, ҳар томонга узини уравердиган, асабий, зиддиятли, кўп ишнинг бошини тутиб, биронтасини ҳам охирига етказмайди, ўзгарувчан.

Бурж вакиллари: Платон, Данте, Гоген, Паскаль, Пушкин, А.Конан Дойл, Томас Манн.

ЎЗБЕКЧА БОШҚОТИРМА



Соат мили бўйича: 1-11. Абитуриентга қўлланма журнал. 3-5. "Йўқ"нинг антоними. 6-7. Уй ҳайвони. 8-11. Хат, мактуб. 9-12. Бахт. 10-14. Ёрдам, кўмак. 11-14. Ҳисоб, саноқ. 12-15. Ота, падар. 13-16. Яман пойтахти. 13-17. Туркиядаги шаҳар. 14-18. Мағизнинг қобиғи билан бирга номи. 18-20. Маъдан қазиб олинадиган маскан. 19-20. Вақт, муддат. 21-24. Тоғ водийси. 21-25. Хабар. 21-27. СТВ телеканали газетаси. 23-25. Саратон касаллиги. 26-30. Лампа. 27-30. Осиёдаги давлат. 27-31. Қиз болалар дўпписи тури. 29-30. Ранг тури. 29-32. Бахши. 30-32. Қиличнинг ҳимоя идиши. 31-33. Баъзан жинс сўзи билан қўшиб айтиладиган сўз. 31-35. Одам. 33-35. Саноқ. 34-36. Волида. 35-37. Тур, хил. 38-40. Адирдан кичик. 35-42. Ёш. 42-49. Машраб туғилган шаҳар. 45-46. Марҳум "Пахтакор"чи. 48-51. Ўзбегойим томонидан Кумушбибига берилган нисбат. 48-51. Бобурнинг ватани. 52-54. "...чекмасанг жонона қайда?" (мақолдан). 52-57. Номус. 56-61. Покиза, сариштa. 58-61. Секин. 61-63. Чоҳориёрлардан бири. 63-66. Аҳил. 65-69. Тун, кеч. 67-69. Намоз вақтларидан бири. 67-71. "Шайтанат"даги "гилай". 68-69. Физик атама. 68-70. Саводсиз. 68-71. Йўл, сабаб. 69-73. Италия футбол жамоаси. 72-77. Цитрус мева. 75-78. Проза. 76-78. Юз йил. 76-80. Сир. 79-82. Тилак, ният. 81-86. Қимматнинг опаси. 82-85. Кичик ҳаж. 84-86. Қаршилик билдириш. 84-88. Шеър қисми. 87-91. Аёлларга хос хислат, ҳаё. 89-93. Диний фармон. 92-95. Ваъз айтувчи, нотиқ. 94-95. Белги, нишон. 94-97. Араб алифбосидаги ҳарф. 94-100. Аёз, қаттиқ совуқ. 98-101. Бокс майдончаси. 99-103. Россияда яшовчи халқ. 102-105. Нонинг увоғи. 104-108. Оёғи ногирон. 106-110. Пўлат копток. 107-113. Шимол дарахти 109-116. Куёв учун келиннинг отаси. 114-116. Падар. 114-118. Кумушбибининг севгилиси. 117-119. Кўпгина исмларга қўшиб айтиладиган бирикма. 117-123. Қора металлургиянинг йирик маркази бўлган шаҳар. 120-123. Ободонлашган (шаҳарларга нисбатан). 121-124. Мумтоз адабиётда май, шароб. 122-125. Энг азиз мавжудот. 123-125. Ҳордиқ. 123-128. Сурия пойтахти. 125-128. Билимни мустаҳкамлаш учун бажариладиган топшириқ. 128-130. Лолазорлар макони. 128-133. Туркий миллат. 134-135. Қаровсизлик белгиси. 128-138. Марказий Осиёдаги давлат. 138-142. Овқат тайёрлашда қозонга биринчи бўлиб тушадиган нарса. 141-145. Энг кичик бўлак. 141-148. Микроскопнинг шар-қона номи. 142-145. Дурадгорлик асбоби. 146-149. Уй, қўним. 147-148. Уя. 147-152. Бирон нарсани эътиборга олиш. 150-152. Тамаки ишлаб чиқарувчи йирик компания. 149-150. Форсчада "сув". 150-157. Сувости текшириш қурилмаси. 153-154. Ўргимчак уяси. 155-161. Олдиндан мувaффақиятга аниқ ишонч билдириш. 157-159. Башорат. 159-165. Латифлик. 162-165. Бало. 164-169. Афсус. 166-170.Чақа пул.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-244.
Тиражи 29853 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00